Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 17 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 52 (6749)

Даъват

Ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг, аввал яхшироқ ўйлаб, доно тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнг ишга кириш.

Сайид Али ҲАМАДОНИЙ

Ибрат

Бўстонлиқ туманида яшовчи Ўрол Давронов ўз ҳисобидан 125-ўрта мактабнинг толиби илмлари учун 100 ўринли ошхона, дурадгорлик устахонаси, тикиш-бичиш, шифокор ва муолажа хоналарини қуриб берди.

19 июль куни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ва ягона автомобиль заводи ишга тушишини нишонлаш маросими бўлади. Бу нафақат иқтисодий ҳаётимизда, маънавий, сиёсий ҳаётимизда ҳам тарихий воқеадир. 3-4 йил олдин мана шу лойиҳа бўйича иш бошлаганимизда, Ўзбекистонда шундай катта завод пайдо бўлишига камдан-кам одам ишонарди.

Ислом КАРИМОВ.



Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ИШ АВВАЛИ РЕЖА

Ёхуд билгуда гап кўп

Узбекнинг ярмиси билгич. Билгичда нима мул, билгу мул. Ана шундай билгичлардан бири ўз билгусида: «Ўйловингни аввал ўйла, ишларингни кейин сўйла», дея дарж этмиш. Қоғозга. Агар бу билгу кўнгилларга дарж этилганда эди, олам чандон-чандон гулистон булур эди.

Ўтган шанба куни Халқ таълими вазирлигининг янги ўқув йилига тайёргарлик штаби аъзолари юқоридаги билгуни умум кўнглига муҳр этмоқни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Авваги манзил қилиб Ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институти белгиланди. Текшириш ибтидосида бирдан шаррос ёмғир қуйиб берди. Саратоннинг чангбосдиси эмасми, бешўн дақиқа ёғдию ўтди-кетди. Шунда вазир ўринбосари Муртазо Султонов шундай дедилар: «чангларингни хўп қоқмоқчи эдик, бироқ ёмғир босди-қўйди».

Текшириш институт ҳовлисидан бошланди. Афсуски, ёмғир камчилик— «чанг»ларни босолмаган экан. Ҳовлида тартибсизлик ҳукмрон. Ярим чала бостирма чўнқайиб, хунук қўланка ташлаб турибди. Баҳорда кўчатлар экилган экан. Бу — яхши. Лекин ҳаммаси қинғир-қийшиқ жойлашган. Кўп ерлар ишловсиз ётибди.

Ётоқхонага кирамиз. Ҳозир бу ерда ҳеч ким яшамаётганлиги сабабли кўзимизга файзсиз кўринди. Ўринлар йиғиштирилган. (Шу пайт кўнглимиздан кечди: «Одамсиз жаннатнинг ҳам шукуҳи қолмаса керагов!»). Ювиниш хоналари, ошхоналарга ҳам бирров-бирров бош суқиб чиқдик. Айтарли мақтагулик эмас.

Сўнг ўқув хонасига ўтдик. Кўнглимиз кўтарилди. Бу ерда анча ишлар қилинибди. Ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек. Институтда янги мавсумга тайёргарликда анча ишлар қилиниши керак. Баҳоли қудрат аҳли жамоа бу вазифа-

(Давоми 2-бетда).

АҲВОЛНИ ЎНГЛАСА БЎЛАДИ

Янги ўқув йили тобора яқинлашмоқда. Илм масканларида ялпи ва жорий таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек бўлаяптими, уларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши қай даражада? Таъмирга ажратилган маблағ қай усулда сарфланди? Иқтисодий билим асослари ҳамда янги узбек алифбоси ўқитувчилари малакаси етарлими? Умуман умумтаълим мактаблари жамоалари янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўраётирлар?

Давлат стандартлари бўйича Республика таълим инспекцияси ходимлари Олег Калантаров, Раъно Отабоева, Абдураҳмон Гуфранов ҳамда ушбу сатрлар муаллифи шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл тумани мактабларида бўлдилар.

Аввалдан айтиб қўяй, ташрифимиз давомида амалга оширилган қатор яхши ишлар билан бирга камчиликлар борлиги ҳам кўзга ташланди. Дастлабки ташриф Нов қишлоғидаги 35-мактабдан бошланди. У ерда туман марказлашган кутубхонаси ҳам жойлашган экан. Кутубхонага бир кун аввал тумандаги 55 та мактаб учун 22 номда китоб келтирилибди. Бироқ кутубхоначи Раъно Оспанова дарслик ва ўқув қўлланмалари сонини аниқ айта олмади.

Маълумотларга кўра, 2 сентябрь куни туман бўйича 3300 нафар бола 1-синфга илк бор қадам қўяди. Улар учун янги алифбодаги «Алифбе (Савод)»дан 1614 дона, «Алифбе (Шодлик)» муқобил дарслигидан ҳам 1614 дона келтирилган. Жаззки фарзандларга бу китоблар қандай тартибда тарқатилишини туман халқ таълими бўлими методисти Туриш ака Оспанов ҳам билмас экан. Унга РТИИМ мутахассислари томонидан ҳеч қандай тавсиянома ҳам берилмаган. У энди нима

(Давоми 2-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида янги ўқув йилида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар қабул қилиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов бошқарган бу йиғилишда олий ўқув юртларига эга вазирликлар, қўмиталар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этдилар.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Молдова Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Николае Дудэуни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

⊛ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари мажмуининг навбатдаги йиғинида 1996 йилнинг олти ойи давомида хотин-қизлар шўъбаларининг республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фаолияти натижалари муҳокама этилди.

⊛ Россия Президенти Б. Ельцин Кремлда АҚШ вице-президенти А. Горни қабул қилди. Бу ерга у Россия Бош вазири В. Черномирдин билан Россия-Америка иқтисодий-техникавий ҳамкорлик бўйича комиссия ишида иштирок этиш учун келганди.

⊛ Бастилиянинг забт этилган куни — Франция халқининг миллий байрами муносабати билан Елисей майдонида анъанавий ҳарбий парад бўлиб ўтди. Бу — Франция армиясида туб ислоҳотлар олдидан ўтказилган сўнгги ҳарбий парад бўлди. Мазкур ислоҳот мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилиш билан якунланади.

⊛ Афғонистон Бош вазири Гулбиддин Ҳикматёр Қобулдаги барча кинотеатрларни, улар ислом анъаналарига риоя этадиган фильмларни намойиш этиш қоидасига амал қилмагунларича ёпиб қўйишни буюрди.

Вазирлар Маҳкамасида 15 июль куни 2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил ЖЎРАБЕКОВ бошқарган бу йиғилишда қишлоқ врачлик шохобчаларининг янги лойиҳаларини яратиш, аҳолининг ичимлик сув ва газга бўлган эҳтиёжини қондириш каби ишлар қатори қишлоқларда янги мактаблар қурилиши ҳам кун тартибининг асосий масаласи сифатида муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг қурилиш, иқтисод, молия ва материал-техника таъминоти бўйича ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Муртазо СУЛТОНОВ мухбиримиз билан бўлган мулоқотда бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилди.

Қарор ва ижро

ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ўз вақтида, ўз мағзига етилиб турган муаммолар ечимини қамраганлиги билан қимматлидир. Кўпдан бери орзиқиб кутилган том маъноси билан ўзбек қишлоғини маданий-маърифий юксалтиришга, ёш авлодни соғлом камол топтиришга йўналтирилган ушбу қарордан сўнг вазирликнинг 23 майдаги 113-сонли буйруғи қабул қилиниб, унда ҳукуматнинг бу муҳим қарорини турмушга татбиқ қилишни ташкил этувчи ишчи гуруҳи тасдиқланди. Гуруҳ биринчи навбатда республика «Истиқболстат» Давлат Қўмитаси масъул ходимлари билан биргаликда 1996 йилда қишлоқ жойларда қурилиш даражаси юқори бўлган 42,5 минг, шу жумладан 24,3 минг ўқувчига мўлжалланган авария ҳолатидаги мактаблар учун бинолар қурилиши фойдаланишга топширилиши режа — дастурини Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари ва «Истиқболстат» бошқармалари билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, ҳукуматга тақдим этди. Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасида тасдиқлангандан сўнг жойларга ижро учун юборилди. Шу йилнинг 29 май куни ишчи гуруҳ қишлоқ мактаблари қурилишида асосий буюртмачи ҳисобланган Қишлоқ хўжалик вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, қишлоқ мактабининг келажаги ҳақидаги Концепцияни яратиш масаласини кенгайтирилиб олди.

Барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида бу ўта долзарб тадбирларни ўз вақтида пухта бажаришда таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлиги масаласи муҳокама қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди. Унда 1996 йилда қишлоқ ҳудудларида топшириладиган мактаб бинолари ва уларнинг моддий негизини тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ муддатлар тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси Қарорида нафақат қишлоқ мактаблари учун янги бино қуриш, балки уларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, мактаб биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция ва қўшимча бинолар қурилиши, замонавий техника воситалари, жиҳозлар, мебеллар билан таъминлаш вазифалари ҳам жой олган.

Аввало, республика қишлоқларидаги мактабларнинг аҳволи ўрганилиб, 50 фоизи газлаштирилмагани, 30 фоизи водопровод суви билан таъминланмагани, 50 фоизида спорт заллари ва майдонлари йўқлиги, ошхона ва кутубхоналар ҳам талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Бу муаммолар Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро ва Андижон вилоятларида долзарб бўлиб турибди.

Республика Халқ таълими вазирлиги аҳволни таҳлил этиб, қишлоқ мактабларининг моддий-техник базасини ривожлантириш дастури лойиҳасини тайёрлади. Шунга кўра 1996-1997 йилларда қаерда қандай мактаб қурилиши аниқ кўрсатилган рўйхат тайёрланиб тасдиқланди. Жумладан, шу йилнинг ўзида республика қишлоқларида жами **42,5 минг ўринли 133 та мактаб** қуриб ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадларга **2 миллиард 205 миллион сўм** маблағ ажратилди.

Кенг кўламли дастурнинг, яъни қурилиш ишларининг камида **60 фоизи** бажариб бўлинган. Иш тўхтаб қолган объектларда эса қурилишлар қайта жонлантирилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятида олтита ана шундай объект мавжуд бўлиб, шундан тўрттасини навбатдаги ўқув йили бошлангунча бемалол қуриб битказиш ва ишга тушириш мумкин. Умуман, шу йилнинг ўзида **65 та** қишлоқ мактаби янги бинога кўчиб ўтиши лозим. Бу мактабларнинг қурилиши олдинги йилларда бошланган эди.

(Давоми 2-бетда).

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Суратда: пойтахтдаги 103-мактаб битирувчиси — абитуриент Зарифа Махсумова Тошкент давлат шарқшунослик институтининг филология факультетига ҳужжат топшираяпти.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ИМТИҲОН ТАРТИБЛИ БЎЛСА, ШУБҲА ЙЎҚОЛАДИ

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЖАРАЁНИДА ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР

1. ДТМ вакилидан белгиланган вақтда (саот 7.30 — 8.00 орасида) ўзига бириктирилган аудитория учун тест материалларини қабул қилиб олиш ва дарҳол қуръа ташлаш йўли билан танланган аудиторияга етиб бориш. Тест синови материаллари қутиси таркиби қуйидагилардан иборат.

Қути таркиби:

а) гуруҳдаги абитуриентлар сонига тенг бўлган миқдорда ичига жавоблар варақаси солинган саволлар китоби;

б) 2 нусха далолатнома;

—3 шакл — саволлар китоби ва жавоблар варақаси қутисини очиш ва саволлар китобини қутига жойлаб қутини ёзиш учун;

— 4 шакл — ишлатилган жавоблар варақаси пакетини ёпиш учун;

в) ишлатилмай қолган жавоблар варақаси ва саволлар китоби учун 1 та пакет;

г) ишлатилган жавоблар варақалари учун 1 дона пакет;

д) титул варақалари учун 1 дона пакет;

е) чиқариб юборилган абитуриентлар ҳақида 2-далолатнома (6-шакл);

ж) қайта муҳрлаш учун 4-эмблема:

— ишлатилмай қолган варақалар ва китоблар пакетини муҳрлашга;

— ишлатилган жавоблар варақалари пакетини қайта муҳрлашга;

— титул варақалари пакетини муҳрлашга;

— қутини қайта муҳрлашга;

2. Аудиторияда абитуриентлардан икки киши таклиф қилинади. Аудитория раҳбари, кузатувчи ва икки абитуриент биргаликда қути муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилинади ва қутини шу тўрт киши очади. Саволлар китоби ва ичига солинган жавоблар варақаси биргаликда саналиб унинг сони 3-шаклдаги далолатномага ёзилади, абитуриентлар вакиллари билан биргаликда имзо қўйилади (3-шакл биринчи қис-

(Давоми 2-бетда).

(Боши газетамизнинг ўтган сонида).

ОҚИБАТ

АҚШнинг Конэл университети ўзига хос текширув ўтказиб, ота-оналари ажрашиб кетган ўсмирлар бошланғич коллежларда ўқиш учун камдан-кам мурожаат қиладилар, деган хулосага келди.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

СЕРГАКЛИГИНИ СИНАШДИ

Эй-би-синнинг «Прайм тайм лив» кўрсатуви текширув ўтказиш ниятида баҳор ойларида АҚШ коллежларининг қабул комиссиясига қалбаки ҳужжатлар юборганини маълум қилди. Мақсад эса, уларнинг синчковлигини синаб кўриш экан.

БИР ЙЎЛА

Жанубий Африка республикасининг Президенти Н. Манделла Британиянинг саккиз университетидан кетма-кет саккизта фахрий докторлик унвонини қабул қилиб олмоқда.

ХУЛОСА

Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатларда илмий изланишлар давлат ёрдами йўқлиги сабабли тўхтаб қолмоқда. Баъзилари эса Ғарбдаги қўшниларининг кўмаги билан яшаб турибди.

ЎРГАНИШДАН СЎНГ

Исроилдаги махсус комиссия бош вазир И. Рабиннинг қотили ўқиган Бар-Илан университетида қотиллар етишадиган муҳит йўқ, деган тўхтамга келди.

Ислоҳот одимлари

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Ёхуд муаллифлик мактаби асосчилари борми?

1991/92 ўқув йилидан бошлаб умумий таълим муассасалари — мактаблар, иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернатлари, айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактаб ва синфлар қаторига лицей ва гимназия каби таълим муассасалари ҳам кириб келди. Ҳозирги кунда хорижий давлатлар, жумладан, Англия билан 1 та лицей, Туркия билан 22 та лицей, 1 та халқаро мактаб, 2 та тил ўрганиш марказлари ташкил қилинган.

Республикамизда жойлардаги намунавий олий ўқув юртлари ишини яхшилаш ҳамда узлуксиз таълимга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 31 майда «Намунавий олий ўқув юртларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ хўжалиги, Алоқа, Соғлиқни сақлаш, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари ва республика матлубот кооперацияси акционерлик жамиятлари марказий уюшмаси билан ҳамкорликда 27 та олий ўқув юрти қошида 26 та лицей ва 2 та гимназия ташкил қилинди.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги янги турдаги таълим муассасалари сони ҳам қарийб 300 тага етди (178 лицей ва 105 гимназия). Янги ўқув йилидан бошлаб уларнинг тармоғи яна 130 тага кўпайиши режалаштирилмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, лицей ва гимназияларнинг тармоғи йилдан-йилга кенгаётир, уларнинг ота-оналар, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари олдидаги мавқеи ҳам кўтарилиб бораяпти. Янги турдаги таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари мазмуни қай аҳволда? Уни янада яхшилаш учун қандай ишларни амалга оширмоқ лозим? Халқ таълими вазирлиги тизимида бу борада қандай янгиликлар жорий қилинди?

Халқ таълими вазирлиги 1996 йил 30 майда «Янги турдаги таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, ягона ва вариатив ўқув режалари ҳақида» буйруқ қабул қилди. Мазкур буйруққа биноан барча йўналишдаги янги турдаги ўқув муассасаларнинг (қайси вазирлик ва идораларга бўйсинувидан қатъи назар) таянч ва намунавий ўқув режалари ҳамда мазкур ўқув режалар асосида жойларда ўқув

(Давоми 2-бетда)

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ОМАДНИНГ КЕЛГАНИ ШУ-ДА!

Сиёб туманидаги 59-кўзи ожиз болалар мактаб-интернати раҳбариятининг тадбиркорлиги ҳам бошқалардан сира қолишмас экан. Улар ўта оғир, машаққатли педагогик меҳнатдан ортиб интернат ҳовлисида новвойхона очишибди. Кунига ўқитувчи-ўқувчиларга тортиқ этилаётган минг донадан зиёд бўрсилдоқ нонлар эса, бир олам қувончнинг нақ узгинаси деса ҳам бўлади.

Бундан ташқари, «Умид» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғишт, 2,5 га ерга экилган картошка, пиёз, олмазор боғ, йил бошиданоқ ҳалол меҳнат эвазига топилган 500 минг сўм соф фойда — умуман ҳаммаҳаммаси интернат аҳли учун ҳақиқий омаднинг илк қадамларигина бўлиб кўринса, ажаб эмас.

«ҚАЛДИРҒОЧ»ГА ЎХШАГАН БОЛАЛАР

Узун туманидаги 18-ўрта мактабда ташкил этилган «Қалдирғоч» оромгоҳи ташкилотчиларининг яхши ишлари жуда кўп. Бу ерда мактаб педагогик ходимлари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг 100 нафари мириқиб дам олмоқда.

Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар барча тадбирларда бажонидил иштирок этишади. Айниқса, тарихий музей, ўқувчилар уйига уюштирилаётган саёҳатлар, қизиқарли спорт мусобақалари болаларга жуда маъқул тушаяпти.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

«ОЛТИН МЕРОС» ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА

Мамлакатимизда «Истеъдод», «Миллий ва ижтимоий барқарорлик», «Маданият» ва Ижодкорлар жамғармалари ҳамда «Ёдгорлик» жамияти биргаликда ташкил этган халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг фаолият кўрсатаётганлигидан хабарингиз бор. Яқинда ушбу жамғарманинг барча вилоятларда бўлимлари ташкил этилди. Хусусан, Сирдарё вилоятида «Сирдарёколхозқурилиш» бошқармаси бошлиғи Қ. Акбаров бўлимнинг фахрий раиси этиб, А. Эргашев ижрочи директори этиб тайинланди.

Жамғарманинг Жиззах вилоят бўлими бошлиғи сифатида Ў. Носиров ва фахрий раиси сифатида вилоят ХТБ бошлиғи Б. Шариповлар иш бошлашди. Бухорода эса бўлим раиси этиб Р. Кўлиев, фахрий раиси этиб А. Халиловлар тайинланди. Мазкур бўлимларнинг очилиш маросимида халқаро «Олтин мерос» жамғармаси вакили А. Сайфуддинов ва вилоят ҳокимлигидан вакиллар иштирок этишди.

АМИР ТЕМУРГА БАҒИШЛАНДИ

Шаҳрисабз туманидаги Қуддус Муҳаммадий номли болалар кутубхонаси ҳамда Э. Дилов номидаги мактаб жамоаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги китобхонлар конференцияси Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Конференцияда туман маданият бўлими бошлиғи С. Ғуломов сўзга чиқди. Конференция иштирокчилари мактаб кутубхонаси ишлари ҳамда ушбу санага бағишлаб тайёрланган саҳна кўринишлари билан ҳам яқиндан танишиб олишди.

Муаллифлар: Э. МАҲМУДОВ, М. МАДУМАРОВА, Ў. ҲОЛИҚОВ, Ҳ. БОБОЕВА.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

ЁХУД МУАЛЛИФЛИК МАКТАБИ АСОСЧИЛАРИ БОРМИ?

(Боши 1-бетда).

режа ва дастурлар ишлаб чиқиш бўйича тавсиянома тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 21, 22, 24 ва 26-моддаларига биноан ўз ҳудудларидаги янги турдаги таълим муассасалари (қайси вазирлик ва идораларнинг бўйсинувидан қатъи назар) директорлари кенгашидан иборат ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идораларини шу йилнинг 1 августига қадар ташкил этиш кўрсатиб ўтилди.

Янги турдаги таълим муассасалари Директорлари Кенгаши вилоятдаги янги турдаги таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш, уларнинг моддий-техника, услубий таъминотини яхшилаш мақсадида ташкил этилади. Кенгаш лицей ва гимназиялар раҳбарлари фаолияти ва мазкур муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ўз Низомлари талаби даражасида ташкил қилишни, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, иқтидорли болаларга таълим бериш бўйича Халқ таълими вазирлигининг қарор ва йўриқномалари асосида иш юритишни мувофиқлаштириб боради. Кенгашнинг бутун фаолиятига жамоатчилик асосида сайланган Раис раҳбарлик қилади ва Кенгашнинг фаолияти бўйича назоратни эса Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси амалга оширади.

Ушбу бўйруққа кўра барча турдаги лицей ва гимназияларнинг таянч ўқув режа асосидаги хусусий ўқув режасини жойларда вилоят халқ таълими бошқармалари тасдиқлайди. Олий ўқув юртлари қошидаги лицей ва гимназияларнинг ўқув режасини эса Халқ таълими вазирлиги тасдиқлайди.

Хусусий ўқув режаларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга риоя қилмоқ керак:

— давлат компонентидаги умумтаълим фанларини (жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тайёрлаш фанларидан ташқари) ўқув муассаса педагогик кенгаши қарорига асосан қисман қисқартирилиши ҳисобига жамланган 3 соат (ушбу соат айрим фанларга ажратилган ҳафталик миқдорни 0,5 дан 1 соаттача қисқартирилиши ҳисобига жамланади) ва мактаб ихтиёридаги (1-4-синфларда 3, 5-9-синфларда —4, 10-11-синфларда 3 соатлар ҳисобига муассасада айрим фанлар, санъат, иқтисод, техника, ҳуқуқ асослари ва бошқа йўналишларни чуқур ўргатиш;

— меҳнат таълими машғулотлари ўрнига чуқур ўрганаётган умумтаълим фанлари ёки йўналишларнинг амалий машғулотлари, тажриба-синов ишларини ўтиш;

— хусусий ўқув режаларнинг умумий соатлари таянч режада кўрсатилган умумий 21-39 (1-11-синфлар) соатдан ошмаслиги ҳамда барча умумтаълим фанларини қамраб олиши лозим.

Барча турдаги лицей ва гимназияларнинг Устави ва ўқув режалари Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги ва 1995 йил 21 ноябрдаги қарорлари билан тасдиқланган Низомлари ва таянч ўқув режа талабларидан ўзгача бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтиш ҳам ўринлидир. Чунки, вазирликдаги айрим маълумотлар, мурожаатлар, хат ва шикоятларга кўра лицейларга 1-синфдан қабул қилиш, гимназия ичида лицей ташкил қилиш, мактаб ичида гимназия синфларини ташкил қилиш, гимназия ёки лицейлар синфларидаги ўқувчилар сони белгиланган мезонлардан бир нечта кўп бўлиши ва бошқа Низом талабига мос бўлмаган ҳоллар ҳам учраб турибди.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дастлаб, умумтаълим мактаби, лицей ва гимназия тўғрисида Низомлар йўқ эди. Шу сабабли мазкур умумтаълим муассасалари ўртасидаги аниқ фарқ тўғрисида турли фикрлар бор эди. Энди эса умумтаълим мактаби ҳудудидаги барча мактаб ёшидаги болаларни ўқитиши, таълим-тарбия жараёнида фанларни чуқур ўргатиш, йўналишли (иқтисод, ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги, банк соҳаси ва бошқалар) таълим беришни кенг жорий қилиш масалалари Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги қарори билан аниқ белгилаб берилди. Демак, шу асосда «мактаб-гимназия», «мактабдаги гимназия синфлари», «мактаб-лицей» номини олиб иш юритаётган умумтаълим муассасалари фаолиятини, уларга берилган ёки улар олган мақомларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Кўпгина лицейларга таянч маълумотга эга бўлмаган иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 май 255-сонли қарори билан тасдиқланган «Лицей тўғрисида»ги Низомда таянч маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларни қабул қилиш кўрсатилган. Лекин, айрим жойлардаги лицейлар мазкур бандни «бошқача» тушунишган. Натижада юқорида айтилгандек, лицейга 1-синфдан бошлаб қабул қилиш, ҳатто «мактаб ичидаги лицейга тайёрлов синфлари очиш» ҳоллари ҳам юз бермоқда. Айни кунда мазкур масалага аниқлик киритилиб, барча вилоятларда таянч маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларни лицейга қабул қилиш фақат вазирликнинг рухсати асосида амалга оширилиши лозим бўлди.

Кейинги вақтларда олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган лицей ва гимназиялар сони ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Шу сабабли мазкур таълим муассасалари ходимларини ҳам анъанавий август кенгашларига, умуман, мазкур таълим муассасалари умумтаълим муассасаси бўлгани, бундан ташқари улар олий ва умумий таълим бўғинидаги боғловчи муассаса бўлгани учун уларни халқ таълимидаги барча услубий ва амалий тадбирларга кенг жалб қилиш лозим. Чунки ушбу таълим муассасалари битирувчиларига таянч маълумот тўғрисида гувоҳнома ва ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани Халқ таълими вазирлигининг ҳужжатлар бўлими томонидан берилиши белгилаб қўйилган.

Янги турдаги таълим муассасаларнинг ўқув режаси юқоридаги тавсиялар асосида ўқув муассаса педагогик жамоаси томонидан жойлардаги методик хизмат тизимлари, олий ўқув юртлари ҳамкорлигида тузилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан тасдиқланади. Олий ўқув юртлари қошидаги лицей ва гимназияларнинг ўқув режалари эса фақат Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Йўналишга доир фанлар бўйича ўқув дастурлар, асосан, янги турдаги ўқув муассасада ихтисослик фанидан дарс берадиган ўқитувчилар томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари ва методик хизмат тизимлари услубиётчилари билан ҳамкорликда яратилади. Ўқув дастурларда белгиланган соатлар ўқув режадаги соатларга мос келиши ва мазмун жиҳатидан янги турдаги таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари талабларига жавоб бериши керак.

Ўқув дастурлари қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

— тушунтириш хати (дастурнинг асосий мақсадлари кўрсатилади);

— мавзуий режа (ўрганиладиган мавзу, бўлим ва боб учун ажратилган вақт);

— мавзуларнинг мазмуни;

— ҳар бир синфда (ҳар бир боб ёки бўлимда) ўрганиладиган билимлар бўйича ўқувчиларнинг асосий тушунчалари мезони;

— фойдаланиладиган адабиёт ва қўлланмалар рўйхати.

Янги турдаги таълим муассасасининг йўналиши бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар (тест, ёзма иш, диктант, имтиҳон саволлари ва бошқалар) мазкур талаб асосидаги дастур мазмунига кўра ишлаб чиқилган бўлиши керак. Лицей ёки гимназия йўналишидан ташқари фанлар ўқитилиши республика таълим илмий методика маркази томонидан тавсия этилган дастурлар асосида олиб борилади.

Кейинги йилларда айрим педагоглар, ота-оналар янги турдаги таълим муассасаларида жадал ривожланиш бўлмаса, улар оддий умумтаълим мактабидан фарқ қилмаса бу муассасаларнинг нима кераги бор, ундан кўра аввалдаги каби йўналишли, фанларни чуқур ўргатадиган мактаблар тармоғини кенгайтириш лозим дейишмоқда.

Янги турдаги таълим муассасаларида ҳақиқатан ҳам ўқитувчилар маошининг юқорилиги, синфдаги ўқувчилар сонининг белгиланган талабдан камлиги, бундан ташқари иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиниши юқоридаги саволларни туғилишига сабаб бўлаётгани табиий. Хўш, янги турдаги таълим муассасасини ташкил қилишдан мақсад ўқитувчининг манфаатдорлигини оширишми? Йўқ, албатта.

Биринчидан, оширилган маош янги турдаги таълим муассасаси ўқувчига оддий мактаб дастуридан кўпроқ билим бергани учунгина берилмайди, балки иқтидорли ўқувчининг талабини, яъни билимга чанқоқлигини қондирганлиги, ҳар бир ўқувчининг ўз иқтидори ва қизиқишидан келиб чиққан таълим олишига шароит яратгани учун тўланади. Масалан, Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги гимназияда инглиз, немис, француз тиллари чуқур ўргатилиши билан бирга ўқувчиларга саломлашиш одоблари, кўча ва оммавий жойларда ўзини тутиб, маданий-маиший тадбирларда фаол иштирок этиш каби миллий руҳдаги тарбия асослари ўргатиляпти.

Янги турдаги мактабларга сарфланган маблағлардан вақти келиб кўп фойда олишни кўзлаган корхона ва ташкилотлар сони ҳам усиб бораяпти. Масалан, юқорида кўрсатилган Асака гимназиясига шаҳарнинг энг кўзга кўринган ташкилотлари — ёғ-экстрация заводи, ун комбинати, прицеп заводи, 7-қурилиш-таъмирлаш булими ҳомийлик қилиб, гимназия учун замонавий компьютерлар ажратишган, барча таъмирлаш ишларини ўзаро бажаришяпти.

Мактаб-лицей, лицей синфлари, мактаб гимназия, гимназия синфлари ва бошқа шу каби атамалар билан иш юритаётган халқ таълими муассасаларининг тажрибали ва ташаббускор ўқитувчилари ҳамда раҳбарларига бир неча бор бу атамаларни тартибга солиш, ҳар бир муассасани ўз номи билан номлаш тўғрисида тушунтиришлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низом», «Гимназия тўғрисида Низом» ва 1993 йил 27 майдаги 255-сонли қарори билан тасдиқланган «Лицей тўғрисидаги Низом»лари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда иқтисодий таълим бўйича мамлакатимиздагина эмас, балки ҳамдўстлик давлатларида ҳам тажрибаси кенг ёйилган Тошкент шаҳридаги 166-мактаб кейинги йилларда мактаб-лицей номи билан юритила бошланди. Мактабнинг бундай мақом олиши билан иқтисодий таълим бўйича ташаббускор «Матвеев мактаби» номи, яъни муаллифлик мактаби шуҳрати йўқолди. Сунъий равишда мактаб номига «лицей» атамасини қўшиш билан икки нарсадан ютқазиляпти: биринчиси, ташаббус эгаси, муаллифлик мактаби бўлса, иккинчиси, мамлакатимиз таълимига ижобий таъсирини кўрсатаётган «Лицей тўғрисидаги Низом» бузиляпти.

Янги турдаги таълим муассасаларини ташкил қилишдан мақсад, республикамиз таълимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, ўқувчи-ўқитувчи муносабатларида, миллий-маданий педагогика соҳасидаги бой тарихий, илмий-назарий ғояларни амалда синаш бўйича тажриба майдонлари яратиш ва натижаларини кенг жорий қилишдир.

Янги ташкил қилиниши режалаштирилган лицей ва гимназиялар авваламбор ўз Низоми талабига жавоб бера оладиган моддий-техника базасига эгами, мактаб-лицей ёки гимназия талабида иш юритадиган кадрлар билан таъминланиши аҳволи қай даражада, ушбу таълим муассасасига эҳтиёж сезиляптими каби ҳаётий талаб ва саволларга жавоб бера олиши лозим. Акс ҳолда номи бор-у, амалий иши йўқ муассаса бўлиб қолиши мумкин...

Олий ўқув юртлари қошида лицейлар ташкил қилишдан асосий мақсад узлуксиз таълимни ташкил қилишга олий ўқув юртлари ўқитувчиларини кенгроқ жалб қилиш, шу орқали ўқувчиларни ёшлигиданоқ илмга қизиқишини шакллантириш ва мустаҳкамлашдир. Олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган лицейларнинг айрим раҳбарлари умумий ўрта таълим соҳасида жорий қилинаётган янгиликларга етарли эътибор бермаяптилар. Масалан, ҳафталик соатларни фанларни интеграциялаш ҳисобига камайтириш ўрнига, ҳар бир фанга ажратилган вақтни кўпайтириш ва ҳафталик дарс соатлар ҳажмини 42 соатгача чиқариш ҳоллари рўй бермоқда...

Айрим янги турдаги таълим муассасаларида «Кичик академия»лари, фан ва техника соҳасида «Янги ишланмалар» яратиш, ўзларининг «фан ҳомзодлари», «фан докторлари» тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида жойлашган лицей ўқувчилари ўқув йили охирида инглиз, рус ва она тилларида «диссертация»лар ёқлашади. Мазкур лицей ўқувчиларининг ёқлаган «диссертация»ларига Фарғона, Наманган, Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги етакчи олий ўқув юртлари олимлари ижобий баҳолар беришди.

Бундан ташқари, жойларда назарий фикрларни амалда қўллаётган тажрибали ўқитувчилар меҳнати орқали халқ таълимидаги ислоҳотларни тезлаштириш, болаларни ўқитиш эмас, балки мустақил ўқишга ўргатиш бўйича амалий ҳаракатлар — илмий-амалий изланишларга ёшлигиданоқ жалб этиш, узлуксиз таълимни ташкил қилишда умумий ва олий таълимдаги ҳамкорлик тизимини мустаҳкамлаш борасида кенг қуламли ишлар амалга оширилаяпти.

Янги турдаги таълим муассасаларида таълим мазмунини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятида тест усулларини жорий қилиш, ўқувчилар билимини кўп балли тизимда баҳолаш, таълим жараёнида ўқувчиларни илмий изланишларга жалб қилиш ва бошқа педагогик илғор тажрибалар кенг қўлланиб келинмоқда.

Республикамиз лицей ва гимназияларда олиб борилаётган педагогик тажрибалар, илғор ўқитувчилар, янги ишланмалар, дастур, қўлланма ва яратилаётган дарсликлар, шу кунга қадар эришилган муваффақиятлар тарғиби ва бошқа маълумотлар учун интернатлар ва янги турдаги таълим муассасалари бўлимининг ахборот банки фаолият кўрсатаётир.

1996 йил июль ойида Андижон вилоятида янги турдаги таълим муассасалари муаммоларига бағишланган республика семинари ҳам ўтказилади. Унда республикамиздаги барча янги турдаги таълим муассасалари педагоглари, халқ таълими ходимлари лицей ва гимназияларда ўқув йили қандай тугади, янги ўқув йилидаги ва келгусидаги вазифалари тўғрисида таҳлилий фикр билдирадилар. Шу билан бирга бу семинар ўзига хос ўрганиш мактаби, тажриба майдони бўлиб қолади, деб умид қилаяпмиз. Хуллас, ҳозирданоқ янги ўқув йилига тайёргарликни бошлаб юборганмиз.

З. ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Халқ таълими вазирлиги интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалар бўлими бошлиғи.

ИШ АВВАЛИ РЕЖА

ЁХУД БИЛГУДА ГАП КЎП

(Боши 1-бетда).

ларни уддалаш пайида.

Абдулла Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти юртимиз муаллимларига сабоқ бўлиши керак бўлган масканлардан. Ва институт жамоаси сабоққа лойиқ бўлмоқ учун саъй-ҳаракатда экан. Ушбу ҳаракатнинг белгилари ётоқхона, ўқув хоналарида кўриниб турибди. Бироқ ҳовлини янада кўркамлаштириш мумкин. Фақатгина гайратнингу бир оз қунтнинг тушовини бўшатиб юбориш керак. Дарвоқе, институтга таъмир учун керакли баъзи жиҳозларни етказиб бериш учун вазир ўринбосари Муртазо Султонов тегишли ташкилот мутасаддиларига кўрсатмалар берди.

Аёл бор жой нурхона бўлмиш. Агар аёл гўзал бўлса, икки карра нурхона (бошқа сўз тополмадик!)га айланармиш. Мактабгача тарбия ходимлари малакасини ошириш республика курси раҳбари Манзура Солиева ушмундоқ жозибадор экан. Бинобарин, курс ётоқхонасию ўқув хоналарида ҳам ажиб нафислик барқ уриб турибдики, штаб аъзолари бир овоздан «Баллие» деб юборишди.

Манзиллар кўздан кечирилгач, штабнинг кузатув якунларига оид йиғилиши бўлиб ўтди. Уни штаб раиси, вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошқарди. Кўздан кечирилган даргоҳ раҳбардари янги мавсумга тайёргарликлари тўғрисида яна бир марта ахборот беришди. Штаб аъзолари фикрларини билдиришди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашди ва сўзга чиқди. Аввало, ҳар бир ишнинг режаси бўлиши керак, — деди у. — Режали ишнинг натижаси ҳам аниқ кўринади. Яна, биз барча имкониятимизни (айниқса, ички имконияти) ишга сола билишимиз керак. Лоқайдлик билан узоққа бориб бўлмайди. Яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Янги ўқув йилига тайёргарлик фақат бинолар таъмири эмас. Мана ҳозир мен Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти кутубхонасида бўлдим. Олиниши керак бўлган 60 номдаги дарсликдан 21 номдагиси олинибди, холос. Қолгани қани? Эртага курсга келган ўқитувчиларга биз нимани кўрсатамиз. Хуллас, янги ўқув йилига тайёргарликни бир томонлама олиб бормайлик.

Бундан ташқари у атроф муҳитни ҳам обод қилиш борасида ўринли таклифларни баён этди.

Штаб аниқланган камчиликларни 1 августгача бартараф этишни институт раҳбарларига топширди.

Юриш давом этади.

Аскар ШОКИР.

АҲВОЛНИ ЎНГЛАСА БЎЛАДИ

(Боши 1-бетда).

қилсин? Иккала қўлланмани биргаликда тарқатсинми? У ҳолда 1,5 минг нафар ўғил-қиз дарсликсиз қолади-ку!

35-мактаб раҳбарияти таъмирлаш ишларига совуққонлик билан қарашгани бино ичига разм ташлашданоқ сезилиб турибди. Кимё кабинетидан ташқари бирорта синф таъмири талабга жавоб бермайди. Даҳлизда эски сувоқлар кўчиб ётибди. Қўплаб электр асбоблари яроқсиз ҳолга келиб қолган, айрим синфхоналарнинг ойналари синган. Шундай бўлса-да, мактаб директори Аваз Рамазонов меҳнат таътилига чиқишига рухсат берилган. Унинг ўрнида ишлаётган хўжалик ишлари бўйича директор муовини Турсунбой Умрзоқов бу каби ишларнинг уддасидан чиқишга материал йўқлиги сабабидан қийналаётир.

Муаллимларнинг айтишича, Нов қишлоғида болалар боғчаси йўқ эмиш. Илгарилари айрим хонадонларда фаолият кўрсатган мавсумий боғчалар ўтган йилдан буён ишламаяпти. Натижада бу йил Нов қишлоғи жажжи ўғил-қизлари мактабнинг 1-синфига ҳеч қандай тайёргарликсиз келадилар. Хонадонларда «Оилавий ўқиш»лар нечоғли йўлга қўйилгани ҳанузгача аниқланмаган.

Мактабнинг 20 сотихли ер майдони ҳақида ҳам афсус-надоматлар билан гапириш мумкин. Майдон ёнидан катта ариқ оқиб ётибди. Шундай бўлишига қарамай, ерга на дов-дарахт, на бирон бир экин экилган. Мавжуд дарахтлар сувсизликдан қуриб қолган. Мактаб жамоаси бироз ҳафсала ва тадбиркорлик билан иш тутганида бу аҳвол рўй бермасди, албатта.

Янгийўл тумани халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Исмоил ака Эрназаров ҳамкорлигида Ниёзбош қишлоғидаги 27-мактабга борганимизда таъмирлаш ишлари бир меъёрда олиб борилаётгани маълум бўлди. Директор Эргаш Нишонбоевнинг гапига қараганда, таълим сифати яхши бўлганидан ота-оналарнинг мактабга муносабати ҳам ўзгарган. Улар мактаб таъмирига баҳоли қудрат ёрдам уюштиришяпти.

Дарҳақиқат, бу мактабда синфхоналар тўла таъмирланган. Мактаб биноси йўлаги таъмирдан чиқарилиб, «Соғлом авлод учун», «Қишлоғимиз фахрий ўқитувчилари», «Маърифат», «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари», «Она тилимиз — бебаҳо бойлигимиз» каби деворий қўргазмалар билан жиҳозланибди.

Бу йил мактабда 5 та 1-синф очилади. Мазкур синфлар учун 12 нафар ўқитувчи махсус тайёргарликдан ўтишган. Қишлоқ болалари бу ўқитувчилар ёрдамида қўча-қўчага бўлиниб, бир ой давомида дастлабки савод чиқарганлар. Демак, мактаб жамоаси мазкур тадбирга виждонан ёндашганлар.

Илм масканида ижобий ишлар қаторида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мактаб канализацияси ишламаяпти, 30 га яқин ойна синган, гулзорга айлантириш мумкин бўлган жойни ўт-ўланлар босиб ётибди.

Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эргаш Усмонов шаҳардаги 14 та мактаб, 2 та коллеж, 3 та мактабдан ташқари муассаса, 1 та ҳунар-техника билим юрти синфхоналари 100 фоиз таъмирлангани, бу ишларга 1,5 миллион сўм сарфлангани, фақат бу муссасаларнинг ёрдамчи хоналаридагина таъмир ишлари кетаётгани ҳақида маълумот берди.

Ўқув йили бошида 1200 нафар бола 1-синфда таълим ола бошлайди. Улардан 750 нафари мактабга тайёргарлик кўрган ҳолда келадилар. Бундан ташқари шаҳардаги якшанба мактаблари фаолиятлари ҳам эътиборга лойиқ. Аммо шаҳар мактабларининг дарсликлар билан таъминланиш аҳволи яхши эмас. Масалан, биринчи синф ўқувчиларига «Алифбе» («Шодлик»), «Атрофимиздаги олам» дарсликларигина келтирилган, холос. 2-синфлар учун дарсликлар умуман йўқ.

Шундан сўнг у бизни шаҳардаги 3-мактабга бошлади. Мактаб аъло даражада таъмирланган, атроф саранжом-саришта. Биз буларни мактаб директорининг ишбилармонлиги натижаси, деб баҳоладик. 5-мактаб-гимназияда ҳам таъмирлаш ишлари хийла яхши кетаяпти. Бироқ бажарилиши лозим бўлган ишлар анча-мунчани ташкил этади.

Гуруҳ раҳбари О. Каланторов таклифи билан 3-ҲТБЮ ҳамда 4-мактабни бир бор кўздан кечирдик. Ҳар икки таълим масканида аҳвол бирмунча ачинарли, улар кишида «эгасиз хонадон» тасаввурини уйғотади. Таъмирлаш ишлари ярим йўлда бўлишига қарамай, директорлар меҳнат таътилига чиқариб юборилган, мутасадди кишилар йўқлигидан бошбошдоқлик давом этаяпти.

Биз текширув натижаларини хулосалаётган пайтимизда ХТБ раҳбарлари «Бироз фурсат берингланг, барча камчиликларни тузатамиз» қабилида ваъда беришди. Сирасини айтганда, ваъда вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона воситасигина холос.

Очиғи, аҳволни ўнгласа бўлади. Бунинг учун бу ерда ишбилармонлик, тадбиркорлик фазилатлари зарур бўлади. Раҳбарнинг тажрибасига, обрўсига қараб, унга эл эргашади, иш ривож топади. Мактаб қандай бўлса, унинг раҳбари ҳам шундай бўлишини ҳамиша тажриба ҳам, ҳаёт ҳам аниқ кўрсатади...

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

(Боши 1-бетда).

Чунки аввалги бинолари анча эскириб, авария ҳолатига келиб қолганди.

Тасдиқланган дастурда қишлоқ мактаблари қурилиши учун ажратилган маблағларнинг рўйхатда белгилаб, қўйилган объектлар бўйича ўзлаштирилишини қатъий назорат қилиш ҳам назарда тутилган. Бош пудратчи — Халқ таълими вазирлиги вакиллари дастурни амалга оширишнинг ҳамма босқичларида, яъни янги мактаб биносини лойиҳалаштиришдан бошлаб, уни ишга туширишгача бўлган бутун иш жараёнида иштирок этадилар.

Таълим муассасаларини жиҳоз, мебеллар билан ўз вақтида тўлиқ таъминлаш мақсадида вазирлигимиз билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996-2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Шартномага асосан ҳиссадорлик жамиятининг иккита цехида фақат таълим муассасаларига, хусусан мактаб учун мебель, жиҳозлар ишлаб чиқариш шу йилнинг биринчи чорагидаёқ бошлаб юборилди. Мазкур йилнинг биринчи ярмида қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар учун 30 млн. сўмлик мебель (стол, стул, жавон, парта, доска)лар жойларга етказиб берилди, булардан 21,5 млн. сўмлиги қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар учундир.

Бундан ташқари вазирликка қарашли «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси қошида «Жаҳонгир» фирмаси ҳамда бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида кичик корхоналар тузилиб, уларда ҳозирги кунда зарур бўлган парта ва доскалар ишлаб чиқарилмоқда. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошида эса устахона ташкил этилиб, унда мактаб учун бўр ишлаб чиқарилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, таълим муассасаларида мавжуд бўлган ўқув қўргазма қуроллари ва жиҳозларни таъмирлаш борасида вазирлик тасарруфидаги ташкилотларда амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан Республика «Таълим-таъминот-жиҳоз» ва Андижон вилоят «Таълим- таъминот» корхоналари қошида Россия билан лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини — амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб-лингафон», Бухоро вилояти «Таълим-таъминот» корхонаси қошида эса, кодоскоп, эпидиаскоп, эпипроектор, графопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб-Жиҳоз-Бухоро» Қўшма корхоналари очилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги мактабларни замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш масаласига жиддий эътиборини қаратмоқда. Хусусан, жорий йилда қишлоқ ҳудудларида жойлашган мактаблар учун энг замонавий техника воситалари — 160 комплект-синф «IBM» компьютерлари ажратиш режалаштирилган. Булардан 100 комплекти биринчи ярим йилликда жойларга етказилди, қолганлари йил охиригача етказиб берилади.

Вилоятлардан олинган маълумотларга асосан Республика бўйича қишлоқ жойларда жойлашган 675 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Шу йилнинг 10 июлигача бўлган маълумотларга қараганда 282 мактабда бу ишлар ниҳоясига етказилган. Лекин шу билан бирга қайд этиб ўтиш зарурки, таълим воситаларини қўриб, уларни фойдаланишга топшириш ишлари республика вилоятларида жуда суст кетаяпти.

Биринчи ярим йиллик натижалари бўйича республикада атиги 8534 ўқувчига мўлжалланган 22 мактаб, **(шу жумладан 6454 ўқувчига мўлжалланган 19 та мактаб қишлоқ жойларда),** фойдаланишга топширилди. Уларнинг 2124 ўқувчига мўлжалланган 4 таси эса авария ҳолатидаги мактаблари ўрнига қурилган. Жумладан, Самарқанд вилоятида 3986 ўринли 10 та, Бухоро вилоятида 1864 ўринли 3 та, Наманган вилоятида 900 ўринли 3 та, Сурхондарё вилоятида 640 ўринли 2 та, Жиззах вилоятида 192 ўринли 1 та, Хоразм вилоятида 320 ўринли 1 та, Сирдарё вилоятида 192 ўринли 1 та мактаб бинолари фойдаланишга топширилди, холос.

Қорақалпоғистон Республикасида ва Андижон, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятларида биронта ҳам мактаб бинолари топширилмади.

Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида йилнинг қурилиш режаси тасдиқланишини кутиб ўтирмай мактаб бинолари қурилишини фаол давом эттираётган ташаббускорларга қишлоқ хўжалиги вазирлиги, уларнинг жойлардаги вилоят агросаноат бирлашмалари, вилоят ҳокимликлари, халқ таълими бошқармалари томонидан амалий ёрдам кўрсатилмади.

Мана бу йилги фойдаланишга топшириладиган қишлоқ мактаблари қўшимча режаси ҳам тасдиқланиб, жойларга етказилди. Кўзланган режанинг бажарилишида бор имкониятларни ишга солиш зарурлигини тақозо этмоқда. Топшириладиган мактабларнинг асосий қисмини республикамиз мустақиллигининг беш йиллик тўйига топширсак нур устига аъло нур бўлур эди.

Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари, мактаб қурилишини жадаллаштириш, уларни сифатли капитал таъмирлашни йўлга қўйиш, ўқув муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарорида қўйилган топшириқларни ўз муддатида бажаришга барча восита ва имкониятларни ишга соладилар.

ТАҲРИРИЯТДАН: Бугун республика халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов бошчилигидаги гуруҳ Жиззах ва Сирдарё вилоятларига, вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигидаги гуруҳ Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларига жўнаб кетишади. Улар жойларда мактаблар қурилишини вилоят ҳокимликлари, агросаноат бирлашмалари ва бошқа буюртмачилар билан таҳлил этишиб, қурилишлар суръатларини жадаллаштиришга амалий ёрдам кўрсатишади.



Саховат

СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

Яхшиликнинг қаноти бўлади дейишгани рост экан. Бизга бир зумда етиб келган Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйида ўтказиладиган хайрия тадбири ҳақида хабар бизни йўлга чорлади. Дарвозадан кириб борар эканмиз, байрамона безатилган ушбу маскан ҳовлисидан қувноқ мусиқа садоларига ҳамоҳанг болажонларнинг шодон кулгилари ҳам эшитила бошланди.

— Биз бу меҳру мурувватлардан, кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад хурсандмиз, — дейди меҳрибонлик уйи директори Светлана Кильдишева. — «Нукус-Ялчинел ЛТД» фирмаси томонидан келтирилган совға-саломлар болаларимизга бир олам қувонч бағишлади. Яна шуни мамнуният билан айтиб ўтишим мумкинки, ҳомийлар биноларимизнинг таъмирлаш ишларига маблағ ажратиб, бошқа ишларимизга ҳам ёрдам қилишга ваъда бердилар.

... Ҳа, инсон қалбидаги меҳру-мурувват, одамийлик туйғулари олдида ҳар қандай қийинчилик ва машаққат ҳам чекинади. Ҳозирги дамларда бу туйғуларнинг сўнмаётганлигини, аксинча саховатпеша кишиларнинг кўпайиб бораётганлигини кўриб беихтиёр тўлқинланиб кетасан, киши.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйида 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган 150 га яқин болалар тарбияланади. Республика бўйича бу маскан ўз акцияларига эга бўлган ягона меҳрибонлик уйидир. Уларга бу акциялар «Ўзбекистон ўрмон қоғоз савдоси» ҳиссадорлик жамияти томонидан совға қилинган. Алгоритм корхонаси томонидан болаларнинг соғлиги назорат қилиб борилади ва ёзги таътил вақтларида оромгоҳларга йўлланма ажратилади. Шунингдек, Чилонзор туман Халқ Демократик партия кенгаши доимий равишда барча ишлар ва муаммоларни ҳал қилинишида ёрдамларини аямаяптилар.

Дония ЗОКИРОВА.
Р. Галиев олган сурат.

ИМТИҲОН ТАРТИБЛИ БЎЛСА, ШУБҲА ЙЎҚОЛАДИ

(Боши 1-бетда).

ми).

3. Ичига жавоблар варақаси солинган саволлар китоби абитуриентларга тартиб билан тарқатилади.

4. Абитуриентларнинг эътибори жавоб варақасининг «Абитуриентлар диққатига» деб ёзилган қисмига жалб қилиниб, «Йўриқлар» бўйича уни тўлдириш тартиби тушунтирилади ва абитуриентларга жавоб варақаларини билан ишлашни тушунтиришда қўйидагиларга абитуриентлар диққатини алоҳида жалб қилиш зарур:

а) жавоб варақаларини букмаслик;

б) маркер чизиқларига қўшимча чизиқ ва ёзувлар ёзмаслик;

в) жавоблар варақасининг номери (рақами) қодланган (4) блокни тагидаги доирачаларга ручка теккизмаслик.

5. Абитуриентларга «Тест ўтказиш қоидалари ва талаблари» тушунтирилади.

Тест синови бошланишдан аввал титул варақаси ва рухсатномага жавоблар варақаси номери кўчириб ёзилганлигини тасдиқлаш мақсадида титул варақасининг ва рухсатноманинг махсус жойига аудитория раҳбари ва кузатувчи имзо чекишлари лозим.

6. Тест вақтида абитуриентнинг кузатувчи, кузатувчининг абитуриент билан гаплашиши, савол-жавоб қилиши мумкин эмаслигини эслатиш керак.

7. Юқоридаги ишлар амалга оширилиб бўлгач, баланд овоз билан «ТЕСТ БОШЛАНДИ» деб эълон қилиш ҳамда тест бошланиши ва тугаши вақтини доскага ёзиб қўйиш керак.

Абитуриентларнинг бир-бирлари билан гаплашмаслиги,

турли қоғоз ва бошқа нарсалардан

Август кенгашларига

ЯНГИЧА ПЕДАГОГИК ТАФАККУР

ёки адабиёт ўқитишнинг етакчи тамойиллари

Йигирманчи асрнинг сўнгги йиллари туб ўзгаришлар, янгиланишларга ғоят серсоб давр бўлмоқда. Сайёрамизнинг катта қисмида яшовчи аҳолининг тафаккур тарзи ва турмуш тамойилларида жиддий эврилишлар юз берди.

Ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришлар ижтимоий муносабатлар тизимини ўзгартирганидек, ҳар қандай жамият ўтмиши билан унинг бугуни ўртасидаги муносабатнинг мувозанатини таъминлаш лозим бўлган педагогика илмининг ҳам тубдан янгиланишига олиб келди. Педагогика мустабид мафкура сиртмоғидан халос этилди. У ўз тарбияланувчиларига олий қадрият тарзида ёндашдиган бўлди. Тарбияшунослик олдида турган мақсад ҳам ўзгарди. Янгиланган педагогик тафаккур комил инсон, ташаббускор шахсни шакллантиришни мақсад қилиб олди. Тарбияшунослик илми таянадиган методологик асос ҳам ўзгарди, соғломлашди.

Мана шу ҳолат, албатта, адабий таълимни йўлга қўйишнинг назарий ва амалий жиҳатларига таъсир этмай қолмасди. Маълумки, бадиий адабиет инсон маънавиятини шакллантиришда алоҳида мавқеъга эга бўлган эстетик қадриятдир. Маънавий қадриятлар юксак мақомга эришган ҳозирги шароитда мактабда бадиий адабиет ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиши табиий. Мамлакатнинг эндиги тақдири жамият аъзоларининг маънавий қиёфалари қандайлигига тўғридан-тўғри боғлиқ экани равшан бўлиб қолди.

Ҳаётни эзгуликка ёр, турмушни фаровон, оламни тузалган ҳолда кўриш учун ҳар битта одамнинг тузалган эзгу фазилатлар эгаси бўлишига эришиш керак. Бундай масъулиятли вазифани бажаришда адабий таълим жуда катта имкониятларга эгадир.

Мактабда адабиет ўқитишнинг шу хилдаги юксак миссияси жамият аъзоларининг унга алоҳида эътиборини ҳам тақозо этади. Шу боисдан ҳам 1991 йилдан, ҳали мустақиллик қўлга киритилмай туриб, мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш иши билан давлат миқёсида шуғулланила бошланди. Ўша пайтларда соғлом методология янгиланган педагогик тафаккур ҳамда жаҳон филологик таълимининг илғор тажрибасига таянган ҳолда «Мактаб адабий таълими концепцияси» ишлаб чиқилди. Мазкур концепция асосида кейинроқ адабий таълим давлат стандарти (ТДС) тайёрланди. Кейинги босқичда ўқув дастури тузилиб умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиб, билдирилган мулоҳазалар асосида жиддий такомиллаштирилди.

Мактаб адабий таълими концепцияси ва дастурида миллатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида адабиет ўқитиш қандай тамойилларга эга бўлиши белгилаб берилди. Чунончи, таянч ва ўрта мактаблардаги адабиет машғулотларидан асосий мақсад ўқувчи маънавий жиҳатларини шакллантириш, унинг таъсирчан қалб, нозик туйғулар, покиза идеаллар эгаси сифатида тарбияланишига эришишдан иборатлиги таъкидланди. Адабий таълимнинг вазифаси ўқувчиларни бадиий асарлар шайдосига айлантириш, ўқилган асарлар юзасидан ўз фикру мулоҳазаларини ҳоҳ оғзаки, ҳоҳ ёзма тарзда ифода эта оладиган даражага етказиш, ўз бадиий қарашларини асар матни ва ҳаётий тажрибаларга таяниб асослашнинг уддасидан чиқадиган қилиб тарбиялашдан иборат бўлади.

Мақсаднинг улуғворлиги вазифаларнинг мураккаблигига сабаб бўлганидек, вазифаларнинг мураккаблиги адабий таълим мазмунининг чуқурлашувини тақозо этади. Чунки эски мазмун билан янгича мақсадга эришиб бўлмайди. Маълумки, адабиет ўқитишнинг мазмуни адабиет дастури, дарсликлар, методик ва ўқув қўлланмалари ҳамда бошқа бир қанча дидактик ашёларни ўз ичига олади. Мақсад ва вазифа тушунчалари кўпроқ педагог мутахассислар ва ўқитувчилар дуч келадиган тушунчалар бўлса, мазмун адабий таълимдаги асосий сиймо, олий қадрият бўлмиш ўқувчи ҳам дуч келадиган истилоҳдир.

Янгича педагогик талаблар асосида адабиет ўқитиш мазмунини белгилашнинг ўзига хос тамойиллари ҳам шакллантирилди. Улардан дастлабкиси, мактабда ўрганилиши кўзда тутилган асар бадиий юксак бўлиши лозимлигидир. Ўқувчилар эътиборига ҳавола этиладиган асар миллий адабиетда ўзига хос воқеа бўлиб, халқнинг эстетик тафаккури тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган бўлиши керак. Ўқувчининг диди ана шундай бадияти баланд асарлар асосида шакллантирилгандагина миллий маънавиятнинг юксаклигига эришиш мумкин бўлади.

Адабий таълим мазмунини белгилашдаги иккинчи бир тамойил шундан иборатки, ўрганишга тавсия этилган асар юксак бадиий қийматидан ташқари педагогик мақсадга йўналтирилган бўлиши ҳам лозим. Чунки мактаб адабий таълими учун бадиий асарни ўрганишнинг ўзи асосий мақсад эмас, балки, қалби ийғоқ маънавияти юксак ўқувчи тарбиялаш йўлидаги воситадир. Шу боисдан ҳам мактабда ўрганиладиган ҳар қандай асарнинг муайян даражада тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши муҳимдир.

Янгича педагогик тафаккур мактаб адабиетига фан мантиғи билан эмас, балки дидактиканинг мантиғи ила ёндашиш лозимлигини тақозо этади. Зеро, мактабда адабиётшунослик илми ёхуд адабиет тарихи ёинки адабий жараённинг ривожланиш йўли изчил ўрганилмайди. Бундай мақсад қўйилиши ҳам мумкин эмас. Санъатнинг энг таъсирчан тури бўлмиш бадиий адабиётнинг сара намуналаримни ўзлаштириш асосида ўқувчи руҳий олами шакллантирилади. Шунинг учун мактаб дарсликлари мазмунини белгилашда фан мантиғи эмас, ўқув предмети мантиғи устивор туриш муҳим тамойилларидан бири эканлиги ҳамиша ёдда тутилиши лозим. Бу ҳақда кўп гапирилаётган бўлса-да, дарсликлар таркибига ўзларича тузатишлар киритмоқчи бўлаётган, адабий сиймоларнинг мактабда ўрганилишини ўзича талқин қилишга ўринаётган кишилар ҳам борки, бу ҳол мутахассисларни ажаблантиради, холос.

Адабиет буйича дарсликлар яратилганда адиб эмас, асар танланади. Яъни дарслик муаллифлари учун қайси ижодкорни дарсликка киритиш керак, деган савол эмас, балки қайси асарни уни қандай талқин килиш зарур деган муаммони ҳал этиш муҳимроқ ҳисобланади. Чунки бирор миллат адабиётининг барча намоёндаларини ўқув дарсликларига тўлиқ киритишнинг имкони ҳам, бунга педагогик эҳтиёж ҳам йўқ.

Адабиет буйича яхши дарсликлар, замонавий методик қўлланмалар, ўзга дидактик воситалар тайёрлаш мумкин. Лекин бу билан муаммо ҳал этилмайди. Энг муҳими, адабиет ўқитишга янгича муносабат нимадан иборат булади деган саволга тўғри жавоб беришдир. Агар бу саволга мухтасар қилиб жавоб қилинадиган булса, айтиш мумкинки, бадиий асарни эстетик таҳлиллай олиш, ундан бадиий маъно чиқариш ўқувчиларнинг асосий юмушлари бўлиши лозим. Асарга ижтимоий, сиёсий, ғоявий, синфий нуқтаи назардан ёндашиш, ундан ялғоч декларатив маъно ахтариш, бадиий асарни насиҳат воситаси деб қараш асло мумкин эмас. Бу хилдаги адабий таълим бола тафаккурига бир қадар таъсир этиши мумкин, лекин ўқувчи маънавиятида эзгу фазилатларнинг шаклланишига хизмат қила олмайди.

Бадиий матннинг бутун жозибаси, унинг сиру сеҳри очилгандагина ўқувчи ҳайратга тушади, унда муносабат пайдо булади, лоқайдлик вазиятидан чиқади. Лоқайдликдан фориғ бўлган, ҳиссиёти уйғонган, руҳий мудроқликдан халос бўлган ўқувчиларда маънавий сифатлар ўз-ўзидан шакллана боради.

Адабиет ўқитишда ўрганилган асарнинг мазмунини сўзлаб беришдай адабий таълим амалиётида анча кенг тарқалган яроқсиз тажрибадан воз кечиш пайти аллақачон келган. Ахир, гап қайси қаҳрамоннинг бошидан қандай воқеалар ўтганида эмас, балки қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар жилваланишлар, изтиробу ҳайратларнинг қуламида. Ўқувчига воқеалар эмас, руҳият манзаралари, туйғуларнинг самимияти таъсир этади. Ўшанда боланинг руҳияти юксалади, туйғулари тозаради. Шунинг учун адабиет ўқитувчилари асосий эътиборларини ўрганилаётган бадиий матннинг жозибасини очиш йўлларини кашф этишга қаратишлари лозим. Бунинг учун болалар олдига қизиқарли ва тўғри саволлар қўйишлари ҳамда талабаларни қўйилган саволларга жавоб топишга йўналтира билишлари лозим. Адабиет ўқитишни бундай тамойил асосида ташкил этиш алоҳида тайёргарлик талаб этадиган юмуш. Лекин ўқувчиларнинг ахлоқий қиёфалари мукаммал бўлишини таъминлаш учун ўзга йўл йўқ. Адабиет дарсларида бадиий сўз қудратини бевосита ҳис этмаган, унинг илоҳий таъсирига берилмаган ўқувчида туйғу уйғонмайди. Бадиий асардан ёлғизгина мантиқий умумлашмалар чиқаришга одатланган ўқувчилар ҳаётий ақидаларни ўрганиб оладилар уни ўзлаштирмайдилар, маънавиятининг ажралмас сифатига айлантириб олмайдилар. Уларнинг тили билан дили, иши билан гапи бошқа бўлиб қолаверади.

Бадиий матнга санъат асари сифатида ёндашадиган муайян битикнинг эстетик ҳодиса эканлигини таъминлаган жиҳатларни аниқлаш малакасини эгаллаган ўқувчининг руҳияти ғафлатдан уйғонади, дунёга, ғўзалликка ҳайрат билан боқади. Матннинг ғўзаллигини кашф этиш болада эмоционал фаоллик уйғотган бўлса, ҳиссий активлик, ўз навбатида ўқувчини мантиқий фаолликка ундайди.

Мактабда адабиет ўқитиш, содда қилиб айтганда, кўнгил тарбияси демакдир. Кўнгилга фақат мантиқий далиллар билангина кўрсатилган таъсир деярли булмайди. Ўқувчи кўнглининг сўқмоғи ўқитувчи кўнгли орқали ўтган булади. Шунинг учун ҳам адабий таълимда ўқувчи ўқитувчи муносабатларининг характери ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аслида тарбиячи билан тарбияланувчи муносабатлари ҳар қандай педагогик жараённ ҳам муҳим ўрин тутади. Лекин адабий таълимда бу муносабат айрича баланд рутбада туради. Бу ҳолнинг сабаби адабиет ўқитишнинг ўқувчи шахсини бошқача шакллантиришга йўналтирилганидадир.

Адабиётдан ўзга деярли барча ўқув предметлари учун ўқувчиларда муайян илмий тушунчалар шакллантириш ва ўша тушунчалардан ўрни келганда фойдалана олишнинг қуникмаларини ҳосил қилиш мақсад ҳисобланади. Адабий таълим учун эса бу нарса баркамол шахс маънавиятини шакллантириш мақсадининг бир жиҳати холос. Шунинг учун ҳам адабиет дарсларида ўқувчиларни ўрганилаётган асардан қандайдир хулоса чиқаришга шошилтирмаслик, асарда акс этган инсоний сезимларни ҳис этишга, бадиий қаҳрамонлар билан туйғудош бўлишга одатлантириш керак булади.

Адабиет ўқитишдаги ўзига хос жиҳатлардан яна бири шундан иборатки ўрганилган бир асар юзасидан синфдаги барча ўқувчиларнинг ягона хулосага келиши мумкин эмас. Чунки илмий ҳақиқат бир қиёфали бўлгани ҳолда, бадиий ҳақиқат кўп қиёфалидир. Бинобарин, ҳар бир ўқувчи асарларни ўзича ўқийди, ўзича хулоса чиқаради. Мактаб адабий таълимида ҳам хулосалар хилма-хиллиги шароитида фаолият қурсатишга одатланиш вақти келди. Шундай қилинганда, ўқувчилар бадиий асарнинг ўзини ўқимай туриб, у ҳақдаги расмий ҳукму хулосаларни ўзлаштириб олиш иллатидан қутулишлари мумкин булади.

Адабиет ўқитувчиси ҳеч қачон ўрганилаётган бирор асар юзасидан ўзи билдирган бирор фикрни синфдаги барча ўқувчилар учун мажбурий деб қарамаслиги керак. Бинобарин, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабат ҳам тўла тенглик асосига қурилиши ва ҳамкорлик, шерикчилик шаклида амалга оширилиши зарур. Адабиет машғулотлари етарлича самара берсин деган ўқитувчи ўқувчиларни шунчаки тингловчи ёки ўқувчи деб қарамаслиги, аксинча болаларга педагогик жараённинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси, ҳамкори сифатида муносабатда бўлиши шарт. Ўрганилаётган бадиий асар ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам бирдай ўзлаштирилиши зарур бўлган ҳодиса. Фақат ўқитувчи асарни таҳлиллаш малакасига эга, ҳаётий тажрибаси каттароқ киши.

Мактаб адабий таълимидаги энг муҳим ташкилий муаммолардан бири адабиет дарсларини жойлаштириш масаласидир. Ҳозир қарор топган амалиётга кўра адабиет дарслари ҳам ўзга предметлар сингари ҳафтанинг бир неча кунига қўйилади. Бу тажриба у қадар ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, адабиет машғулотлари муайян кайфият асосига қурилгандагина самара беради. Ўқувчиларни у ёки бу бадиий асарни қабул қиладиган ҳолатга келтириш эса осон эмас. Шуларни ҳисобга олиб адабиет дарсларига ажратилган соатларни бир кунга кетма-кет қўйиш мақсадга мувофиқ булади деб ўйлаймиз.

Янгиланган мамлакатнинг, тозариш жараёнини бошидан кечираётган халқнинг маънавияти баркамол ўғил-қизларини тарбиялаш ишларини самарали тарзда йўлга қўйиш учун мактаб адабий таълимининг янгича тамойиллари муҳим аҳамиятга эгадир.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди.

1996 йил — Амир Темур йили

Мен газетанинг «Сиртқи дарс» материалларидан ўз ўрнида фойдаланиб боришга ҳаракат қилдим. Айниқса, «Темурий маликалар» деб номланган дарс Шодмулкбегим, Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегимларнинг оқила ва тадбиркор бўлганлари ҳақида бўлиб, «ўтмишда аёллар тўрт давр ичидаги заифа эди» девор фикрнинг нотўғри эканини исботлайди. Сароймулкхонимнинг бир жуфт олма балдоғини сотиб, маблағини мадраса қурдирмоқ учун ишлатгани, Шодмулкбегимнинг Халил Султон заҳарлаб ўлдирилгандан сўнг «Мен жудолигингни тортиб, сендан кейин яшамасам эди», дея ўзига ханжар санчиб, севгилиси билан бир қабрга дафн қилиниши каби воқеалар айрим молпараст, муҳаббатни оёқ остига қилувчи қизларимиз учун катта сабоқ бўлади. «Амир Темур саройи олиму фозиллари (5-дарс) дарсидан эса настаълиқ хатининг ихтирочиси Мирали Табризий эканини билиб олдик ва унинг шу мавзуда рисола ёзганини ўқувчиларга айтдим. Албатта, бу улар учун янгилик бўлди. Тарбиявий соатда эса «Темурийлар даврида Наврўз» номли 14-дарсдаги маълумот ва ривоятни ўқидик. «Қозон тўлди» удуми билан танишдик.

Ҳамкасбларим эса тасвирий санъат дарсларида «Камолиддин Беҳзод» (18-дарс), «Бойсунқур Мирзо нафис санъат академияси намояндалари» (17-дарс), «Султон Ҳусайн даври ҳунар эгалари» (24-дарс) номли дарслардан унумли фойдаланиб, Маҳмуд Музаффар, Ҳусомали Чеҳракушой, Мавлоно Наққош, Беҳзод каби мусаввирлар ҳақида маълумот берганларини айтдилар.

«Амир Темур дипломатияси» (22-дарс) эса дипломатлар, уларнинг одоби ва санъати масалаларига бағишланган бўлиб, соҳибқиронинг элчилар билан муносабати ҳақидаги ҳикоялардан иборат. Худди шу дарсдан Темурнинг бераҳим эмаслигини ўз тилидан айтилган суҳбатдан билиб оламиз: «Урушларда мен босқинчилик қилмаганман. Бошларига тушган барча кулфатларга ёғийларимнинг ўзлари сабабчидирлар».

Ўқувчиларда нафосат тарбиясини камол топтиришда «Беҳзод ижодида Темур сиймоси» (27-дарс) аҳамиятлидир. Ундан «Зафарнома» асарига Беҳзод чизган 12 та тасвир мавжудлиги ҳақида маълумот оламиз. Бу тасвирларда Темур фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеалар акс этган. Бу дарслар барчага — тарихчи, адабиётшунос, иқтисодчи, рассом, олиму шоир... ўзини «бизким малики Турон» ҳисоблагувчи Темур авлодлари учун жуда зарур эди.

Муаллиф долзарб мавзуга қўл уриб, савобли иш қилган. Кичик бир тақризда ҳамма дарс ҳақида батафсил тўхталишнинг иложи бўлмади, қолган дарслар ҳам илмийлиги, далилларга бойлиги билан барчанинг эътиборини ўзига тортади. Биз муаллиф, тарих фанлари номзоди Наим Норқуловга келгуси тадқиқот ва ижодий ишларида ривож тилаб қоламиз. Имконият бўлса, бу дарслар жамланиб, китобча ҳолида чоп этилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкентдаги 274-мактаб ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси.

Акс-садо

БАРЧАГА БИРДЕК ЗАРУР!

«Худо мулкини кофир — золимлар мулҳидлар (худога шак келтирувчи), мунофиқлар, фосиқу фужурлар қўлидан тортиб олиш, уларни йўқотиш учун белга ҳиммат камарини боғладим». (Темур тузуклари»)

Афсуски, биз олти асрдан зиёд вақт ичида етти иқлим ҳукмдори бўлмиш жаҳонгир ва соҳибқирон Темур ҳақидаги чин ҳақиқатни билмай, уни золим, бераҳм саркарда деб ўргандик. Академик Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (1968 йил) номли рисоласи эса турғунлик йилларида ёзилган бўлса-да, чақмоқдек чақнаб онгимизни ёритди. Лекин таъқиб ва тазйиқ кучайиб, у тарихни сохталаштиришда, Темурни идеаллаштиришда айбланди. Мустақиллик туфайли эса Темур фаолияти ўрганила бошланди. «Ҳеч дан кўра кеч» деганларидек, биз мактаб ўқитувчилари ҳам турли манбалардан, мақолалардан, тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов тадқиқотларидан фойдаланиб, бу мавзуни ўрганмоқдамиз. Бунда «Маърифат» газетасининг шу йил январь-май ойларида бериб борилган «Сиртқи дарс» жуда асқотди. Муаллиф — устоз Наим Норқулов 30 та дарс ташкил этиб, Темур ва темурийлар даври фани, маданияти, у даврдаги аллома ва шоирлар Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирхонд, Хондамир, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Улуғбек кабилар ҳақида батафсил маълумот беради.

Мактабгача тарбия муассасаларида

Суратга кўзингиз тушиши биланоқ юз-кўзларида қувонч балқиб турган бу болаларнинг бир олам ҳайратту-ҳаяжонлар оғушида эканлигини пайқаб оласиз. Чунки улар бугун янги бир дунёга — билимлар маскани мактабга кузатилмоқда. Бу маросим пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 33-болалар боғчасида ҳар йили ўз-ўзидан катта шодиёнага айланиб кетади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Мактабга кузатилаётган тайёрлов-гуруҳи тарбияланувчиларига оталиқ ташкилоти «Узбат» томонидан сумка совға қилинди. Менеджер Крис Харрис Соннинг совға топшираётиб айтган сўзлари ҳам яна бир совға бўлди.

Суратда: Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 33-болалар боғчаси тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ҳамкўр мураббиялари, боғча мудираси Т. Обидовалар билан хайрлашаётган пайт.

Сурайё АҲМАДЖОНОВА.

ХИВАНИНГ «НАЗОКАТИ»

Хива тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-«Назокат» боғчаси ҳақида илиқ гапларни аввалдан эшитиб юрардим. Мавриди келиб, ушбу масканда бўлганимда, «Хива» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бу боғчадаги ибратли ишларга ўзим гувоҳ бўлдим. Ғўзал табиат қучоғида жойлашган бу жажжилар масканида жамоа хўжалиги аъзоларининг 140 нафар жажжи фарзандлари тарбия топмоқда. Боғча биноси замонавий услубда қурилган. Бу ерда болакайларнинг намунали камол топишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё. Жумладан, «Назокат»да чет тилини ўргатиш учун лингафон кабинети, иқтисодий билимнинг илк тушунчаларини болалар онгига сингдириш учун компьютерлар мавжуд.

Боғчадаги ҳар бир гуруҳга «Бинафша», «Бойчечак», «Лола», «Қизил гул» каби чиройли номлар берилган. Ҳар бир гуруҳ хонаси замонавий талаблар асосида қуркам қилиб безатилган. Уйинчоқлар кўп, аксарияти тарбиячиларнинг моҳир қуллари билан ясалган.

«Назокат»да, айниқса, болаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда тарих музейининг ташкил қилиниши таҳсинга сазовордир. Музей экспонатларини қизиқиш билан томоша қиларканман, XV асрга оид сопол кўзани, мис қумғонни ушлаб кўришдан ўзимни тия олмадим. Кичкинтойларни тарихга муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга нима етсин, ахир?!

Муяссар Матёқубова, Зумрад Аллаберганова, Ширин Матёқубова каби тарбиячилар ўз ишларини ҳаёт билан боғлаб олиб бориб, кичкинтойларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлмоқдалар.

Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган деворий кўргазмани ҳар бир гуруҳ хонасида учратиш мумкин. Болалар вақти-вақти билан кўҳна ва навқирон Хива музейларига экскурсияга олиб борилади. «Жонли музей» деб ном олган ўз шаҳарлари билан фахрланиш туйғуси жажжи қалбларда ғунча очаётганлиги ҳам шундан бўлса керак.

«Назокат» да лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбесини ўрганишга ҳам алоҳида меҳр билан ёндашилмоқда. Болалар математика фанидан илк сабоқни боғчадаёқ эгаллашади.

Боғчада ўғил-қизларнинг сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб ўсиб-улғайишлари учун барча воситалар ишга солинмоқда.

Болалар боғчаси «Хива» жамоа хўжалиги оталигида. Мева, сабзавот билан таъминлашда, болалар учун ота-оналар бадалларини тўлашда оталиқ ташкилотининг ҳиссаси каттадир. Жамоа хўжалиги раиси Маткарим Жуманиёзов кичкинтойларнинг аҳволидан тез-тез хабар олиб туради, тарбиячилар билан суҳбатлашиб, боғча фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқади, фойдали маслаҳатлар беради. Ҳар хил байраму тантаналарда, танловларда кичкинтойлар иштироки учун янги, бежирим либослар тиктириб бериш ҳам оталиқ зиммасида экан.

Боғчадаги ибратли ишлардан яна бири гилам, палос ва пайпоқ тўқиш цехи фаолият кўрсатаётганлигидир. Ундан ташқари, бу боғчада тикувчилик цехи ҳам ишлаб турибди.

Тўқилган ҳар уч гилам ё палоснинг биттаси боғча ихтиёрида қолдирилар экан. Бунинг самарасини яққол сезиш мумкин, гуруҳ хоналарига гиламлар, палослар тўшаб қўйилган.

Боғчада тикилаётган чойшаблар эса жамоа хўжалигидаги бошқа боғча-мактабларга етказилиб берилмоқда. Боғчада очилган тикувчилик ва тўқувчилик цехлари фаолиятидан тушаётган маблағ ҳисобига ота-оналардан олинадиган бадаллар камайтирилган.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ТОШЛАРНИ ЁРДИ КЎНГЛИМНИНГ ОҲИ

Наманган вилоятининг Нодира номидаги кутубхонасида буюк шоир Боборахим Машраб таваллудининг 356 йиллигига бағишланган «Тошларни ёрди кўнглимнинг оҳи» мавзуси остида китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Ҳар жиҳатдан ўгитли ўтган анжуманда вилоят, шаҳар ва туманлардан кутубхона ходимлари, 49-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари қатнашдилар. Вилоят маданият жамғармаси раиси Алижон Азизов, шоир Лутфулла Маҳмудов чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирган бўлса, бугунги кунда китобхонларнинг бундай анжуман ўтказишлари ўзига хос воқеа бўлди.

Аслида бундай китобхонликлар ҳар жойда табиий суратда ўтиши келажак авлоднинг маънавияти юксалишига, демакки, давлатнинг келажаги буюк бўлишига хизмат қилади.

Ў. ХОЛИҚОВ.

Мактабим — фахрим

ЁНИБ ЯШАГАН ЯХШИ

Шундагина инсоннинг ҳар бир орзу-нияти фақат эзгулик сари тобора ёндашиб бораверади.

Одинахон Асқарова бундан бир неча ўн йиллар муқаддам Қўқон Давлат педагогика билим юртидаги талаба дугоналари ўртасида ҳам, кейинроқ Бувайдадаги 13-ўрта мактаб жамоаси даврасида ҳам ҳар бир муаммо устида ўта қуйинчаклик билан «жон олиб, жон берарди». Ҳар қайси жамоада ҳам адолат ҳукмрон бўлса, ҳақ қарор топаверса дерди. Мактабдаги тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, илмий бўлим мудираси лавозимларидек оғир, машаққатли довонлардан беписанд сакраб ўтишлар, илмга-изланишга чанқоқлик туфайли 1991 йилда «Халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланиши, 16-вилоят педагогик ўқишида насиб этган фахрли 3-ўрин — буларнинг ҳаммаси Одинахон опанинг эл қутган, эл истаган олов қалб эгаси эканлигини яққол кўрсатиб қўйди.

1994 йилда Одинахон Асқаровани туманнинг 42-таянч мактабига директор лавозимига тайинлашди. Бу юксак ишонч эса онанинг эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларининг янада жонланишига муҳим омил бўлди, десам сира муболаға бўлмайди...

Мазкур мактаб илгариги раҳбар даврида ёқ гуруҳбозлик, лоқайдлик учоғига айланиб улгурган, ҳатто бир тутамгина тажриба майдони ҳам фойдасиз, ҳосилсиз дарахтлар қуршовида қолиб, бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ўқиш-ўқитиш ишларида эса ҳеч қанақа сезиларли силжиш кўзга ташланмасди.

Одинахон ишни ходимлар руҳиятини чуқур ўрганишдан, ҳар бир ташкилий муаммоларни жамоа талабларини бевосита инобатга олган ҳолда ҳал этишдан бошлади. Тез фурсатда мактаб ичкариси, синф хоналари буткул янгича дид билан безатилди, ҳақиқий мураббийга хос масъуллик барчанинг кайфиятида яққол сезила бошлади.

Мактаб тажриба майдончаси ҳам дов-дарахтлардан халос этилиб, атрофи терак кўчатлари билан ўраб олинди ва майдонга рўзғорбоп сабзавотлар экилди. Натижада, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қилинган меҳнатлар эвазига мумайгина даромад олинди.

Одинахон опа ўқиш-ўқитиш ишларини тубдан ислоҳ қилишда тўгараклар фаолиятига, айниқса алоҳида эътибор қаратди. Ахир, ўқувчи 9 йил мактабда билим олиш билан бирга бирор ҳунарнинг «этагини тутиб» кетса ёмонми?

Ҳуллас, барча кўнгилли ўқувчилар этикдўз, сартарош, радиотехник, автомобил таъмирловчи усталарга шогирд сифатида боғлаб қўйилди. Улар дарсдан бўш пайтларида танлаган ҳунарларини астойдил ўрганиш имконига эга бўлишди. Ишнинг самараси эса, мактаб маъмурияти томонидан назорат остига олинди.

«Ёш тикувчи» тўгараги аъзолари ҳам Одинахон Асқаровонинг ташаббуси билан моҳир тикувчилар ўртасида тузилган қатъий шартномага мувофиқ турли бичимдаги чойшаблар, ёстиқ жилдлари тикишга жалб этилди. Олинган соф фойда эса то шу кунгача ҳам аълочи деб топилган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш учун сарф қилинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, қачон қараманг, Одинахон Асқаровонинг ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида зир югуриб елаётганлигига, қандайдир қизиқарли мусобақалар уюштириш билан овора эканига, кимлар биландир баҳс-мунозара юритаётганига гувоҳ бўласиз.

Янгиликларнинг барчаси раҳбарнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги, покиза меҳри туфайлигина дунё юзини кўради. Одинахон опа эса, ёнишдан, ўртанишдан сира чарчамайди. Чунки, у шундай яшаб ўрганган. Сиру синоатга тўла туйғулар, табиийки, ғўдакларимизга, келажагимиз меваларига, албатта, ширидан-ширин ҳаёт бахш этажак.

Олимжон ҲАЙИТ.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БОЗОРНИНГ ТАРТИБГА ТУШИРИЛИШИ — жамият номидан давлат амалга оширадиган тадбирлар ва иқтисодий дастаклар ёрдамида бозорга фаол таъсир этиш, унинг маълум мақсад йўлида амал қилишига эришув. Бозорни тартибга туширишнинг воситалари туркумига давлат дастурлари, нархларнинг юқори чегарасини белгилаш, корхоналар барқарорлигини таъминлаш, нархларнинг ошиб кетишидан келган фойдани солиқлар орқали бюджетга олиш, товарни бозорга чиқариш ёки чиқармай туришни таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларга давлат ҳисобидан субсидиялар бериш ва бошқалар киради. Бозорни тартибга туширишда албатта бозор қонунларини ҳисобга олиш шарт, у бозор мувозанатини таъминлашга қаратилади.

БОЙКОТ(инг.) — норозилик билдириш учун бирон-бир иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан бош тортиш. Иқтисодий алоқа юритувчи томонларнинг манфаати ўзаро зид келиб қолганда улардан бири бойкот эълон қилади, келишилган шартномани бажариш тўхтатилади. Савдо-сотиқ ишларида бойкот товарларни етказиб туришдан бош тортиш, олдин белгиланган нархдан воз кечиш кўринишларида юз беради. Бойкот вақтинча тадбир, томонлар муросага келгач, тўхтатилади.

БОНД ОМБОРИ — импорт товарларни бож тўламасдан сақлаш мумкин бўлган ва муайян божхонага бириктирилган омбор. Агар товарлар бонд омборидан мамлакат ичкарисига жўнатилса, бож тўланади. Бонд омборида товарлар маълум муддатгача сақланади, муддати ўтиши билан давлат фойдасига мусодара қилинади.

БОНИФИКАЦИЯ (фр., лат. - марҳаматли, яхши) — товарларга ҳақ тўлаш усулларидан бири, келишувларда имтиёзларни таъкидлаш учун ишлатилади, масалан, товарнинг стандартдан ортиқ сифатлари учун товар нархига қўшимча бериш, кўтара (улгуржи, савдо қилганларга товарни арзонроқ бериш, мамлакатдан чиқариладиган товарларни харид қилишда ундирилган солиқларни қайтариш (экспорт бонификацияси) давлатнинг кредитлар учун тўланадиган процентларни ўз гарданига олиб, субсидия бериш сингари кўринишлари бор.

БОНЛАР — 1) айрим муассаса ва корхоналар, давлат хазинаси томонидан чиқариладиган қарз мажбуриятлари; 2) майда пул сифатида вақтинчалик муомалага чиқариладиган қоғоз пул.

БОНУС — 1)қўшимча мукофот, хизмат ҳақи; 2) алоҳида келишувга ёки сотиш шартномасига, асосан, сотувчи томонидан харидорга бериладиган қўшимча енгиллик.

БОШЛАНҒИЧ (КЎР) ПАЙ — ширкат аъзоларининг умумий иш учун қўшган дастлабки пул маблағи (кооператив пай, акционер пай ва бошқалар). Бошланғич (кўр) пай қўшиш корхона эгасига айланишнинг шарти ҳисобланади ва корхона мол-мулкида унинг илк ҳиссасига тенг бўлади. Агар сотиладиган корхона акционерлашган бўлса, бошланғич пай қўшган киши дастлаб унинг суммасига тенг акцияни, акция миқдорига қараб эса дивиденд олади. Бошланғич пай жамоа мулкини барпо этиш йўлларидан бири, бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг зарур шарт-шароити ҳисобланади.

БРАКЕРАЖ, МОЛ НАЗОРАТИ — товарнинг сифати, безатилиши ва транспортбоп қилиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текшириш. Бракераж махсус давлат ташкилотлари ёки ҳакам брокерлар томонидан бажарилади.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

ҚАЛЪАЛАРГА БОЙ ДИЁР

Йўлим тушиб Тўрткўл шаҳар халқ таълими бўлими мудири Исо ака Ибодуллаев билан учрашиб қолдим. Дарвоқе, азиз муштарий, она юртимиз Тўрткўлнинг қаерга жойлашганлигини биласизми? Тўрткўл Амударёнинг ўнг қирғоғидан 5 километр узоқликда жойлашган бўлиб, Қорақалпоғистоннинг энг шарқий чеккаси. Бир томони Толстов «Минг қалъа» деб атаган Элликқалъа, Ёнбошқалъа, Тупроққалъа билан туташса, бир томони Абу Райҳон Беруний ватани Кат қалъаси (ҳозирги Беруний шаҳри), яна бир томони эса Қизилқум билан туташган юрт. «Тўрт томонинг кўлмиди, уммонмиди, тўрт томонинг гулмиди, гулзормиди, тарихингга сўз етмас диёр, орзуларинг, шодлигинг бисёр», дейилади қўшиқларда. Мана шу юртнинг гўзал ва самимий, дилкаш инсонлари билан суҳбатлашиб қолсангиз, юрт ишқидан улуғ дарди йўқлигининг гувоҳи бўласиз.

— Дарҳақиқат, Исо ака, мана, мактабларда ўғил-қизларнинг тўлқинли ўқув жараёни тинганига ҳам анча бўлди. Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам бир йиллик карвоннинг юкини тортиб, ҳозир дам оляптилар. Ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун қандай шарт-шароит яратилди?

— Тошкент ва Самарқанддаги ёшлар оромгоҳларига 100 нафар, «Шурахон» деҳқон-фермер ширкатлар уюшмаси қошида ташкил қилинган «Лочин» оромгоҳига 180 нафар ўқувчи юбордик. «Лочин» оромгоҳи мавсумий бўлганлиги сабабли зарур шарт-шароитлар яратишга тўғри келди. Жумладан, хоналарга телевизор ўрнатилди. Тўртта ётоқхона, битта ўйин компьютери, футбол, волейбол майдончалари, бассейн, кутубхона, ёзги кинотеатр ташкил этилди. Оромгоҳ тарбиячиларининг иш режаларига Тўрткўлнинг тарихий жойларига, шунингдек, қадимий шаҳарлар — Хива, Бухоро, Самарқандга саёҳат уюштириш ҳам киритилган. Тошкентга навбатдаги сменада дам олиш учун 50 ўқувчи юбориш мўлжалланяпти.

Санамжон СОБИРОВА.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

Соч уриш «дарси».

ДАМ ОЛИБ, ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

Соғлом авлод яратиш бугунги кунда барчанинг эзгу нияти. Бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг ҳам муҳим бурчи деб биламиз. Шу боис ёзги соғломлаштириш даври учун керакли тадбирларимизни белгилаб қўйдик. Мақсад, оромгоҳларда кўнгилли дам олаётган ўқувчиларни техник ижодиёт маркази фаолияти билан таништириш орқали тўғарак аъзоларини кўпайтириш. Биз ўз фаолиятимизнинг дебочаси сифатида Наманган шаҳар техник ижодиёт маркази билан вилоят тарбия ўчоғи ҳамкорлигида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг йиллик тўйига бағишлаб уюштирилган кўчма кўргазмани бемалол айтишимиз мумкин. Кўргазма асарлари орасида Соҳибқироннинг кашта билан тикилган сиймоси, ёғоч ўймакорлиги, техника ижодиёт моделлари борлиги, айниқса, ўзига хос бўлса ажаб эмас.

Кўргазма дастлаб Наманган шаҳридаги мактаблар қошида ташкил этилган 8 та соғломлаштириш оромгоҳида намойиш этилди. Дам олувчилар тўгараклар, кўргазма жиҳозлари билан таништирилди, ракета модели учириш бўйича кўргазмали чиқишлар уюштириш йўлга қўйилди. Буни самолёт ва ракетасозлик тўгараги раҳбари Сервер Абдужамилов амалга оширяпти. Натижада оромгоҳлар бўйлаб уюштирилган кўргазмалар дам олувчи ўғил-қизларда бой таассурот қолдирмоқда.

Мазкур кўргазма Наманган шаҳридаги 15, 17, 27, 31, 34, 44, 45 ва Давлатобод туманидаги 42, 49, 53, 56, 58-мактаблар қошидаги оромгоҳларда мазмунли дам олаётган ўқувчилар ўртасида ҳам намойиш этилди.

Вилоятдаги мавжуд 12 ёш техниклар маркази мурраббийлари тўгараклар фаолиятини оромгоҳларда ташкил этилишини муҳим вазифа деб билишади. Бундан мақсад, дам олувчиларнинг турли техник ва миллий ҳунарларни ўрганишга қизиқишини оширишдир. Ҳаракатимиз зое кетмади. Тўрақўрғон ўқувчилар техник ижодиёт марказимиз туманда ягона, ёзда 480 нафар ўқувчи дам оладиган А. Набиев номли хўжаликларарo оромгоҳда ўз фаолиятини йўлга қўйди. Моҳир қўллар, юмшоқ ўйинчоқлар ва кийимларни моделлаштириш тўгараклари кўчма тарзда ишлашни ташкил этди.

— Биз бу фаолиятдан жуда мамнунмиз, — дейди оромгоҳ бошлиғи Сиддиқдон Турсунов.— Ўқувчилар мароқли дам олиш билан бирга ҳунар ҳам ўрганишмоқда.

Раъно ҳон ҚАҲҲОРОВА,
Наманган вилоят ўқувчилар техник ижодиёт маркази услубчиси.

Таълим жонкуярлари

АҲИЛ ЖАМОА РАҲБАРИ

Инсон умри лаҳзалик. Болалик, усмирлик, ёшлик ва маълум муддатдан сўнг, кексалик даври яқинлаша бошлайди. Инсон қадр қимматига, унинг ғайратли меҳнатига, одамгарчилигига қараб ундан яхши ном, ўз авлод-аждодига иззат-ҳурмат келтиради. Эртанги кунга умид билан боқаётган устозлардан бири Самарқанддаги А. Беруний номли мактабгача тарбия педагогика билим юрти директори, тарих фанлари номзоди, республика халқ таълими аълочиси Шакар Файзиевдир. Фидойи раҳбар, ўз ҳаётини халқ фарзандлари тарбиясига бағишлаб, вилоят, шаҳар, туман раҳбарлик лавозимларида ишламасин, таълим-тарбияда масъулиятни бўшаштирмади.

Шакар ака дастлаб ишини 47-мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ўзининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлгани учун унга Киев давлат дорилфунунига аспирантурада ўқиш учун йўлланма беришди. Сергайрат йигит аспирантурани тугатиб, тарих фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейин Самарқанд давлат дорилфунунига ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб, ўқитувчилар дардини тинглади, талабалар аҳволини ўрганди.

Шакар ака 1994—95 ўқув йилидан бошлаб Самарқанддаги Абу Райҳон Беруний номидаги мактабгача тарбия педагогика билим юртига директор бўлиб келди. Кўп вақтларда домла дарсларга кам қатнайдиган, узлаштирмовчи ўқувчилар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказди. Иқтисодий жиҳатдан қийналаётган ўқувчи ёки ўқитувчиларга ёрдам бериш йўлларини ахтаради, камчиликларни йўқотиш йўлларини излайди. Билим юртидаги нуқсонларни жамоа ўртасида очиқчасига муҳокама қилиб, ўз жойида бартараф қилиш йўлларини топди. Дарслар сифати, ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, кутубхона ва спорт майдонларининг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Домла ташаббуси билан илмгоҳда қисқа фурсат ичида янги қўшимча ошхона қурилиши тугалланди. Синфхоналарни безаш ва ўқув қуроллари, кўргазмали дастурлар, талабаларни китоблар билан таъминлашга эришилди.

Шакар акага хос бўлган энг муҳим фазилат бу тиниб-тинчимаслик, ишбилармонликдир. Ҳозирги кунда ўқитувчи ва ўқувчилар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашмоқда. Ҳар куни эрталаб дарс бошланишидан аввал илмгоҳ раҳбарияти ва ўқитувчилар жамоаси ўқувчилар билан ўтган куннинг дарс натижалари хусусида мулоқот ўтказишмоқда.

Дарвоқе, Шакар Файзиев шу кунларда 60 ёшни қаршилаётган бўлса-да, ҳануз ёшларга устоз, кексаларга эса ҳамфикр, маслаҳатгўй. У киши ўнлаб халқ таълими аълочилари, тажрибали педагоглар меҳнат қилаётган аҳил жамоанинг севимли раҳбаридир. Бу жамоанинг эса эртанги куни порлоқ, келажаги янада равшанлигига шак-шубҳа йўқ.

Эшмирзо МАҲМУДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Абитуриент-96

МАСЪУЛЛИК

Мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар таълим муассасалари зиммасига ҳам улкан масъулият юкламоқда Мутахассисларни янгича тамойилларга асосан ҳар томонлама билимли ва малакали қилиб тарбиялаш давр талаби бўлиб қолди. Бу йил Тошкент вилояти педагогика билим юртида ҳам янги 1996-97 ўқув йилига тайёргарлик ишлари анча барвақт бошлаб юборилди.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти ҳозирги кунга келиб кундузги бўлимда «Мактабгача тарбия», «Бошланғич синфларда ўқитиш», сиртқи бўлимда «мактабгача тарбия» мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлайди. Бу йилдан бошлаб кундузги бўлимда «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда 9 ва 11-синфни, ўқиш рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда 9 ва 11-синфни, ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган гуруҳларда эса 11-синфни, сиртқи бўлимнинг мактабгача тарбия мутахассислигининг ўзбек, рус, қозоқ гуруҳларига 11-синф маълумотига эга бўлган ва ҳозирда турли таълим-тарбия масканларида ишлаётган ёшлар қабул қилинади.

Билим юртида кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида Қибрай тумани халқ таълими бўлими билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Келишувга мувофиқ ўқув ишлаб чиқариш маркази ҳамда 6,16-ўрта мактаблар билан ўқувчиларни келгусида педагогик касб олишга тайёрлаш мақсадида шартнома асосида махсус синфлар очилди.

1995-96 ўқув йилида ўтказилган ўрта педагогика ўқув юртлари ўқувчиларининг фанлар бўйича республика олимпиадасида II курс талабаси Н. Эрманова психология фани бўйича биринчи, III курс талабаси Д. Қосимова эса тасвирий санъат ва устахонада амалий машғулот фани бўйича иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари, билим юртимизда ташкил этилган ашула ва рақс дастаси Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг I—II ҳудудий босқичларида ғолиб чиқиб, Тошкент вилояти ташкилий қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Собир ЗИЁЕВ,
Тошкент вилояти педагогика билим юрти директори, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Хулласи...

ЎРГИМЧАККАНАГА ЎРНАТИЛГАН ЁДГОРЛИК

Турфа ҳайвонлару турли қушлар шарафига ўрнатилган ҳайкаллар ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Бироқ, ўргимчакканага ўрнатилган ёдгорлик ҳақида биринчи марта эшитяпсиз, ҳойнаҳой. Хўш, ушбу зараркунанда тарих саҳифасига қандай қилиб кириб қолди?

Аср бошларида ўргимчакканадан қаттиқ зарар кўрган Американинг жанубий штати фермерлари пахта экишни тўхтатиб, деҳқончиликнинг бошқа соҳалари билан шуғуллана бошлашди. Натижада кўп тармоқли зироатчилик вужудга келиб, қишлоқ хўжалиги ниҳоят даражада ўсди. Шу боис, Энтерпрайз шаҳрида ўргимчаккана сиймосига ҳайкал ўрнатилди.

ҚЎРҚОҚ ҚУШ ХИЗМАТИ

Шохдор гокко - антиқа қуш. Унинг антиқалиги Қизил китобга киритилганлиги ёки бошқа қушларга ўхшамаган хусусиятларга эга эканлиги билан белгиланмайди. Гокконинг ажойиблиги шундаки, ундан илмий восита — даракчи (индикатор) сифатида фойдаланишади.

Шохдор гокко Боливиянинг Амборо дея аталмиш миллий хиёбонида умргузаронлик қилади. Бу ерда яшаётган нўёб ҳайвонот ва наботот олами қаттиқ назорат остига олинган. Бу ўзўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳамиша ҳушёр ўрмонбегилар керак. Ҳозирги пайтда уларни топиш эса амри маҳол. Шунинг учун, олимлар гокконинг беминнат хизматидан фойдаланишмоқчи бўлишди. Гап шундаки, мазкур қуш жуда қўрқоқ. Одамларни кўрса, инига уриб кетади. Гокконинг бемалол учиб юриши ёки «гум» бўлиб кетишига қараб, ўрмондаги бегона одамлар аниқланади. Ва жазоланади.

БАРИБИР ВАТАНИ АНГЛИЯ

Бугунги кунда футбол дунёдаги энг оммавий ўйинлардан ҳисобланади. Яқинда Англияда бўлиб ўтган Европа чемпионатидан сўнг ишқибозларнинг қони ҳали совиб улгурганича йўқ. Биз ушмундоқ «қони қайноқ» ишқибозларга яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчимиз.

Айтишардики, футбол ўтган асрнинг ўрталарида Англияда пайдо бўлган. Аммо, кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бунинг илдизи анча наридан ниш урган экан. XIV асрнинг бошларида Англия қироли Эдуард II га йўлланган мактубда футбол тилга олинган. Нима бўлса ҳам, ҳозирча барибир Англия футбол Ватани даъвогарлигини сақлаб турибди.

ана шунақа гаплар.

Қатра

УРУҒ

Охирги соат. Ўқувчиларим дарсимни мириқиб тинглашмоқда. Уларни сўзлаётган қаҳрамоним олами ўзига мафтун қилган эди.

Баҳор ҳавоси бўлгани учун тўсатдан осмонни қалин булут қоплай бошлади. Жуда яқинда, шундоққина мактабнинг устида кучли жала даракчиси — момақалдироқ қаттиқ гумбурлади.

Ўқувчиларимнинг кўзларидан сўзларим қулоқларига кирмаётганлигини сезиб қолдим. Гўё барчанинг кўнглини бир ташвиш чулғаб олган эди. Дарсдан уйларига жавоб бердим. Ҳар доим югуришиб кетишарди. Негадир, бугун ҳеч қайсиси кетишга шошилмади.

—Домла, бугун бизникида қолақолинг, — деди Шоҳиста.

— Йўқ, бизникига юринг, — деди шошиб Гулираъно.

— Бизники яқин, яхшиси бизникида қолинг, —деб гапга қўшилди синфнинг энг шўх ўқувчиси бўлган Турғунбой ҳам.

Ўқувчиларимнинг кўнглидагини сездим. Улар менинг ёмғирда қолишимдан ташвишланаётган эдилар. Ҳа, дарвоқе, мен уйга кетиш учун шамол ва ёмғирга қарши анча йўл юришим керак эди-да.

Ўқувчиларнинг беғубор ва тоза қалбига экаётган одамийлик уруғларимизнинг ниш ураётганини кўриб, хурсандчилигимдан табиат уввосига ҳамоҳанг кўзларимдан сел келди.

Қосимжон СОЛИЕВ,
Бешариқ тумани.

«Олтин мерос» танловига

ОҲУВА

Айтувчи: Аннаев Эргаш, 1928 йилда туғилган, ҳозир нафақада

Ҳалинчагим арчадан,
Кийган тўним парчадан.
Бизларга совчи келибди,
Тил билмаган ғалчадан.

Ҳалинчагим зарангдан,
Кийган тўним парангдан.
Бизларга совчи келибди,
Тил билмаган гарангдан.

Қанот беринг учайлик,
Консойига қўнайлик.
Консойингиз бундоқ-бундоқ,
Сарсойил бизнинг жайдоқ.

Самарқанд меваси ҳил-ҳил пишибди,
Унинг сояси ерга тушибди.
Бориб айтинг отам билан онамга,
Қора сочим тобонимга тушибди.

Тошқул тожик ўлди денглар,
Тошгул опам келсин денглар.
Кулиб гулдай, тўлиб ойдай,
Данагидай бўлсин денглар.

Оҳувадан ошайлик,
Холи гилам тўшайлик.
Холи гилам четида,
Турли ипак эшайлик.

Турли ипак туюнчак,
Тошгул опам келинчак.
Айттим шундай оҳува,
Учаверсин ҳалинчак.

Турли ипак туюнчак,
Тошгул опам келинчак.

ҲАЛИНЧАГИМ ОҲУВА

Қўшиқ

Айтувчи: Бекназар бахши Раҳматов, 1934 йилда Деҳқонобод туманидаги Қорашила қишлоғида туғилган, ҳозир нафақада

Толга ташлар ҳалинчак,
Ўзи гўзал ҳалинчак,
Зим-зим учар ҳалинчак,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Сочларининг толи бор,
Ўнг юзида холи бор,
Лабларида боли бор,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Арқон солдинг теракка,
Ҳуси жамолидан ягона,
Ўтлар ёқдинг юракка,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Қўшиқ айтар келинчак,
Атлас кўйлак оқ билак.

Йигитлар бўлар капалак,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Соялади бодамга,
Ҳамма қарар жаманга.
Учиб кетар осмонга,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Яйлови бор, қўйи бор,
Жамолига куйганлар
Ошиб ўйнар, думалар.
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Қорни тўла ёғи бор,
Юрагида дарди бор,
Даста гулдай бўйи бор
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Оқбошда бор паттали,
Олма каби юзлари,
Тили ширин мазали,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Деҳқонобод қизлари,
Қуралайдек кўзлари,
Бу бахшининг сўзлари,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Мажнун толда ҳалинчак,
Оҳува айтар келинчак,
Доим бўлсин вақти чоқ,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

Толга солди ҳалинчак,
Ўзи гўзал келинчак,
Тақиб қўйинг кўзмунчоқ,
Оҳуважон оҳува,
Ҳалинчагим оҳува.

*ЯРАБАЗОН

(Бойга баракат)

Айтувчи: АННАЕВ ЭРГАШ бобо

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим.
Ассалому алайкум бойлар,
Қутлуғ бўлсин қиблангиздан,
ёруғ урган ойлар
Аллоҳуммо ярабазон, аллоҳуммо барабазон (жамоа).
Рўзанинг бирини тутиб,
Иккисини ютиб келдик сизга,
Закотини беринг бизга.
Рўзага сўйган қўйингизнинг
Гўшти қани ҳеч бўлмаса,
Уча билан тўши қани,
Аллоҳумма ярабазон, аллоҳумма барабазон.

Йигитлар пичоқ олингизлар,
Ҳали-ҳали туроғли.
Пичоғингизнинг гулбанди тилломикан, тангамикан,
Шул уйнинг ўғил-қизи мулламикан.
Мулла бўлса ўқиб берсин кўрайлик.
Зар кокилини тараб берсин ўрайлик,
Аллоҳумма ярабазон, аллоҳумма барабазон.
Шул уйнинг эрганаги енгашади,
Бой билан бойвачча кенгашади.
Бой айтади: кўтондан қўй бераман,
Бойвичча айтади: бўқчадан тўн бераман.
Бойбобомнинг берган қўйининг жири йўқ
Бойвичча холам тўнининг бови йўқ
Ярабазон ярабазон, аллоҳумма барабазон.

Маккада бир ёғоч турибди одир будир,
Шу акамга ўғил берсин хўжайхизир
Ярабазон ярабазон аллоҳумма барабазан.
Ҳо-ҳо-ҳо қизил хўроз хирмон сочар,
Қиз олган йигитлар танга билан тилло сочар.
Ҳо-ҳо-ҳо қизил хўроз хирмондадир
Қиз олмаган йигитлар армондадир.
Ҳо-ҳо-ҳо қизил хўроз қаноти,
Бурунги ўтган машойиқлар зийнати.
Ҳеч бўлади, ҳеч бўлади
Ҳеч уйда шунча турса кеч бўлади.
Арра бўлур, арра бўлур
Ўттиз тишлар айта-айта парра бўлур.
Ола-ола йилқи оқчил қўй,
Ҳайдаб ўтганнинг боласи.
Сорала патири, сори мой,
Чайнаб ўтганнинг боласи.
Ярабазон, ярабазон аллоҳумма барабазан.
Тулки пўстин, тўлки пўстин,
Силовсиндан ёқаси.
Катта пўстин, катта пўстин,
Ироқилардан ёқаси.
Товларда тулки понг-понг этар,
Холажон ун берманг чангиб кетар.
Аллоҳумма ярабазон, аллоҳумма барабазан.
Туянг қумни жойласин,
Жиҳоздан ўркачч боғласин.
Қўйинг қумни жойласин,
Карсон қуйруқ боғласин.
Аллоҳумма ярабазон, аллоҳумма барабазан.
Сўм тилла сўм-сўм тилла,
Сувга солса ботмасин.
Қўтонинг бошига
От чоптирса етмасин.
Худо берган кенг давлат
Тепкиласа кетмасин.
Аллоҳумма ярабазон, аллоҳумма барабазан.
Аллоҳу акбар!

* Ярабазон — рамазон сўзининг ўзлаштирилган шакли.

Ёзиб олувчи: Абдурасул РАҲИМОВ,
Деҳқонобод туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўрта педагогика ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабулини тест синовлари воситасида ўтказиш

ҚОИДАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 25.05.96 йил 109-сонли буйруғига биноан ўрта махсус педагогика ўқув юртларининг 9-синф базасидаги таълим ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган бўлимларига 1996/1997 ўқув йилига ўқувчилар қабули компьютерлар воситасида тест синовлари асосида ўтказилади.

2. Ушбу ўқув юртларининг кундузги бўлимларига умумтаълим мактабининг 9-синф хажмида маълумоти бўлган Узбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

3. Барча ўқишга кирувчилар ўзларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Чеклашлар фақат Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий кўрсаткичлар бўйича бўлиши мумкин.

4. Ўрта махсус педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: **ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-у шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.**

5. Ўқув юртларига ҳужжатлар 20 июль (шу куни ҳам)гача қабул қилинади. Тест синовлари вазирлик билан келишиб тузилган жадвал асосида 1 августдан 20 августгача компьютерлар воситасида ўтказилади.

6. Тест синовлари саволлари умумтаълим мактабининг таянч (9-синф) таълим дастури бўйича тузилади, вазирлик белгилаган экспертлар гуруҳи томонидан тақдилдан ўтказилиб тасдиқланади ва ўқув юртлари томонидан абитуриентларга эълон қилинади.

7. 0303 «Жисмоний тарбия», 0305 «Мусиқа тарбияси», 0306 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш» мутахассисликларига ўқишга кирувчилар тест синовлари бошлангунга қадар махсус жадвал асосида ихтисослик бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Ижодий имтиҳон кўпбаллик тизимида баҳоланади ва танлов вақтида қўшиб ҳисобланади. Ихтисослик бўйича ижодий имтихонлар Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўтказилади.

8. Ҳар бир абитуриент ўзи танлаган мутахассислиги бўйича:

8.1. 0301 «Касб таълими», 0302 «Меҳнат таълими», 0306 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш», 0307 «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассисликлари учун — она тили, адабиёт ва математика фанларидан;

8.2. 0303 «Жисмоний тарбия», 0308 «Мактабгача тарбия» мутахассисликлари учун — она тили, адабиёт ва биология фанларидан;

8.3. 0305 «Мусиқа тарбияси» мутахассислиги учун она тили ва адабиёт фанларидан компьютерлар воситасида тест синовлари топширадилар.

9. Тест синовларини қайта топшириш ман этилади.

10. Тест синов ўтказилиши тартиблари, фанлар бўйича уни баҳолаш меъзонлари ва консультациялар ўтказиш тартиблари ўқув юртлари эълонлар тахтачасида қайд этилади.

11. Ўқув юртининг қабул комиссияси вазирликнинг 20.05.96 йил 109-сонли буйруғи билан белгиланган комиссия билан келишилган ҳолда абитуриентларнинг тест синовларида тўплаган умумий баллари асосида мутахассисликлар ва таълимнинг қайси тилда олиб борилишига қараб талабалар танловини ўтказади.

12. Фанлардан тест синови натижаси бўйича тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан юқори балл тўплаган абитуриентлар танловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу масала айрим ўқув юртлар ва мутахассисликлар учун вазирлик комиссияси томонидан алоҳида кўриб чиқилиши мумкин.

13. Танлов жараёнида етим, ота-она қаровисиз қолган болалар тўплаган умумий баллга ушбу баллнинг 10 фоизи қўшиб ҳисобланади.

14. Ўқув юрти директорининг қабул тўғрисидаги буйруғи 25 августгача расмийлаштирилади ва ўқув юрти буйича эълон қилинади.

15. Қабул билан боғлиқ барча бошқа масалаларни ўқув юрти қабул комиссиялари ва Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу қабул қоидалари ва қабул комиссияси ҳақидаги Низом асосида кўриб чиқадилар.

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Пак Евгения Владимировна номига берилган А-007796 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Давлетшин Зинур Равильевич номига берилган — 007573 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Республика Иқтисодиёт лицейи томонидан Умаров Батир Сапарбаевич номига 1996 йил тўлғазилган, лекин берилмаган № 018490 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 37-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Румил Низомов номига берилган UZC № 434113 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси математика ўқитиш методикаси кафедраси доценти Муродулла Раемовга онаси

Қизбуви ОТАБОЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6